Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

1993 йил 11 август, чоршанба

Сотувда эркин нархда

№ 148 (21.499).

БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

Тошкентда Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллигини байрам қилишга тайёргарлик ва уни ўтказиш республика ташкилот комитетининг мажлиси бўлди. Унда вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, ҳокимликларнинг масъул раҳбарлари қатнашдилар. Мажлисни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилот комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков бошқарди.

Республика мустақиллиги куни умумхалқ байрами эканлиги, унга пухта тайёргарлик кўриш зарурлиги таъкидланди. Барча масъул ижрочилар топширилган вазифаларни тадбирлар режасига мувофиқ, муддатида бажаришлари лозим. Тошкент марказини ободонлаштириш, Амир Темур, Мирзо Улуғбек ҳайкалларини ўрнатиш ана шундай тадбирлардандир. Байрамгача пойтахтдаги меҳмонхоналарни тартибга келтириш, қишлоқ хўжалик ва саноат ярмаркаларини пухта ташкил этиш муҳимдир. Шу билан бирга, мустақилик кунини кўчалар, хиёбонлар ва истироҳат боғларини безашдан ташқари, ҳар бир иш жойида ғоят унумли меҳнат билан кутиб олиш лозим.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари К. Тўлагонов иштирок этди.

(ЎзА мухбири).

ТЎЙ ТЎЙДЕК ЎТДИ

Қаршидаги 19-автокорхонада мустақилликнинг икки йиллиги арафасида ўзига хос байрам бўлиб ўтди. Корхонанинг сўлим боғида дилрабо куй ва қўшиқлар янграб турди. Ота-боболар удуми бўйича қўй сўйилиб, тўкин дастурхонларга ош тортилди. Бу гўё тўйни эслатур эди.

Аслида ҳам тўй. Лекин унинг ташкилотчиси ва ташаббускори автокорхона. Кекса ишчиларни фахрийликка кузатиш тўйи.

Асат ака Бибитов автокорхона ташкил этилган 1953 йилдан бери аккумулятор ғозловчи бўлиб ишлаб келаётир. Меҳнатда пешқадам, камтар ва ҳалол инсон. Чилангар Қодир ака Одилов ҳам шундай. У ўз меҳнати билан ҳурмат топган инсонлардан. Федор Баришников ҳам 35 йилдан бери жамоада тер тўкади. Моҳир ҳайдовчи ғайрат ва шижоати билан ёш шофёрларга ибрат кўрсатмоқда.

Бугун улар фахрийликка кузатиляпти. Маросимда вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, партия кенгаши вакиллари, қариндош-уруғлари қатнашди. Айтилган илиқ табрик сўзлардан қалблар қувончга тўлди. Уларга тўн кийгизилиб, қимматбаҳо совғалар улашилди. Фахрийлар жамоада шунчалик қадр топиб, илдиз отганликларидан жуда ҳам мамнун бўлдилар.

— Жамоамизда бундай маросимларни ўтказиш анъанавий тус олмоқда, — деди автокорхона директори, ХДП аъзоси А. Ҳақбердиев. Бу республикамиз мустақиллиги сабабли қадриятларимиз ўз ўрнини топаётганлиги самарасидир.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИ

Бозор муносабатларига тиш бир қатор ислоҳотларни дадиллик билан амалга оширишни, халқ хўжалигининг барча тармоқларида тадбиркорлик, кўрсатиб, фидокорона ишлашни, хусусийлаштириш ишларини жадаллаштиришни тақозо этади. Бу борада лоқайдликка, хўжасизликка асло йўл қўйиб бўлмайди. Боқимандалик иллатларидан қутулиш, қонунларга тўла амал қилиш, хориж билан иқтисодий, маданий алоқаларни мустаҳкамлаш шу куннинг долзарб вазифасидир.

Наманганда ўтказилган фаоллар йиғилишида ана шу ҳақда гап борди. Республика Вазирлар Маҳкамасида яқинда ўтказилган мажлисдаги Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар кенг муҳокама қилинди. Ана шу масала юзасидан вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев маъруза қилди.

Сўзга чиққан нотиқлар қўлга киритилган ютуқлар ҳамда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ҳақида батафсил тўхталдилар.

Фаоллар йиғилишида республика Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов нутқ сўзлади.

Йиғилиш кўрилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

Фарҳод ИУЛЧИЕВ.

* * *

Қашқадарё вилояти фаолларининг Қаршида бўлиб ўтган йиғилишида халқ хўжалигини бошқариш соҳасидаги ишларнинг ярим йиллик якунлари ва Президент И. Каримовнинг 27 июль куни республика Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқи асосида иқтисодий ислоҳотни жадаллаштириш вазифаси тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Вилоят ҳокими Т. Ҳидиров шу ҳақда маъруза қилди.

Йиғилишда И. Каримовнинг Вазирлар маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқи видеотасвири намойиш этилди. Маърузачи ва сўзга чиққан нотиқлар республикамиз раҳбариятининг ислоҳотлар борасидаги сиёсати ёрқин истиқбол ва тараққиёт омили ҳақида тўхталиб, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштиришда муайян натижаларга эришилганлиги ва айни пайтда ечимини кутаётган муаммолар ҳам оз эмаслигини таъкидладилар. Жумладан, бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ имтиёзли кредитлар, шунингдек, масъулиятли ишларни, ҳал этишда айрим район ҳокимликлари, вилоят ташкилотлари раҳбарлари сусткашлик кўрсатаётганликлари алоҳида тилга олинди.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХДП ҳаётидан

ТОМДИДА КОТИБ ЎЗГАРДИ

ЎзХДП Томди район кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Ўртоқ З. Еспенбетов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан туман кенгаши биринчи котиблиги ва бюро аъзолигидан озод қилинди. Илгари ХДП район кенгашининг иккинчи котиби бўлиб ишлаб келаётган, А. Майхиев кенгаш биринчи котиблиги ва бюро аъзолигига сайланди.

Пленум ишида ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Б. Рўзиев қатнашди ва нутқ сўзлади.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ИСТИҚЛОЛ ЙЎҚЛАМАСИ

СИРДАРЁ

РАҚАМЛАР КЎЗГУСИДА


● Сирдарё ташкил топганига 30 йилдан ошмоқда. Вилоятда 650 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

● Пахтачилик — вилоят иқтисодининг асосини ташкил этади. Бу йил деҳқонлар 348 минг тонна пахта, 60 минг тонна ғалла, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиш ниятида. Келгуси йиллардан бошлаб ғалла етиштиришни бир ярим-икки баробар ошириш кўзда тутилаётир.

● Сирдарё — Ҳамдўстлик мамлакатларининг икки республикаси, жумҳуриятимизнинг икки вилояти билан чегарадош. У ўз қўшнилари билан иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатган.

● Сирдарё — Туркиянинг Адана вилояти билан ўзаро иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага эга. Умуман олганда вилоят Ҳамдўстлик мамлакатларидан ташқари ўнга яқин чет эл давлатлари билан савдо-сотиқ ишларини олиб бормоқда..

● Вилоятда иккита чет эл қўшма корхонаси ишлаб турибди. Италия, Австрия, Хитой, Гонг-Конг, Исроил, Туркия мамлакатлари билан қўшма корхоналар барпо этилмоқда, иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа воситалари, савдо-сотиқ йўллари изланмоқда.



Суратда: Сирдарё ГРЭСининг кўриниши.

В. ВТЮРИН олган сурат.

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

Собиржон УСМОНОВ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирдарё вилоят Кенгашининг биринчи котиби

●

Ўзбекистон миллий мустақил давлат деб эълон қилинганига икки йил бўляпти. Истиқлол буюк халқнинг ўтмиши, бой тарихи, маданияти борлигидан фахрланиш, миллий қадриятларни тиклаш, азалий анъаналар ва урф-одатларни асраб-авайлаш, юртга эгалик қилиш ҳуқуқини берди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Эндиликда унинг ўз тараққиёт йўли бор. Республикамиз Президенти И. А. Каримов раҳбарлигидаги давлатимиз олиб бораётган ташқи ва ички сиёсати шарофати билан жамиятимизда ижтимоий барқарорлик таъминланмоқда. Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларини аҳоли ўртасида тушунтириш, меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза этиш тадбирларига алоҳида эътибор берилаётганлиги сабабли жамиятда ҳозирги мураккаб ўтиш даврида ҳам халқимиз кўтаринки руҳда меҳнат қилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ҳамкорликда асосий эътиборни халқ хўжалигининг барча жабҳаларида муваффақиятга замин яратишга, туғилаётган муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Вилоят иқтисодини соғломлаштиришга оид муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Деҳқонобод — Гулистон — Янгиер сув узатиш тармоғининг ишга туширилиши Гулистон ва Янгиер шаҳарлари аҳолисини сифатли ичимлик сув билан таъминлайди. Ҳозирги кунда эса юқори Ховос зонасига ҳам сув, ҳам газ қувурлари жадал суръатлар билан ётқизилмоқда. Вилоятда 47 та ширкат ва 390 та кичик корхона халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда.

Мустақиллик шарофати билан ташкил топган Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам икки йил муддат ичида жамиятимизда етакчи сиёсий куч сифатида майдонга чиқди, деб айтиш мумкин. Дастлабки пайтларда ХДПнинг ташкилий даврида муаммолар ҳам бўлди, унинг келажагига ишонқирамай иккиланганлар ҳам учради. Лекин сиёсий кучлар, ҳаракатлар орасида ХДПнинг йўли, дастурий мақсадлари халқнинг мақсадларига, орзу-интилишларига, манфаатларига мос келишини шу ўтган муддат исботлади.

Ҳар бир партия ташкилоти аниқ ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тадбирларни амалга оширишни ўз зиммасига олган, яъни аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш асосий вазифа ҳисобланади. Бу йил вилоят ҳамда туман, шаҳар кенгашлари ипак қурти парвариши ва пиллачилик мавсумини ўз отаҳларига олдилар. Вилоятда пилла тайёрлаш режаси ошириб бажарилди.

Шу икки йил мобайнида муайян иш тажрибаси тўпланди. Ҳозирги кунда бирор бошланғич партия ташкилотига йўли тушган киши у ерда ташкилот ҳаётини акс эттирган стенд ташкил этилганлигининг гувоҳи бўлади. Бу стендларда мустақил Ўзбекистон Байроғи, Герби, Мадҳияси осиб қўйилган. Яқинда Оқолтин туман кенгашида ўтказилган «мулоқот» — сиёсий-мунозара клуби машғулотидан олдин партия стендларининг кўриги ўтказилди. Мазкур туманда дала шийпонларида меҳнаткашларга зарур шарт-шароитларни яратиш ва кўргазмали ташвиқот ишларини жонлантириш юзасидан амалий семинар ўтказилди.

Амалга оширилаётган тадбирлар партия ташкилотлари нуфузининг ортишига ёрдам бермоқда, ХДП сафлари ўсиб бораётир. Масалан, Оқолтин, Янгиер, Гулистон шаҳар кенгашлари партия сафларига кўплаб ёшларни қабул қилдилар. Бу йил вилоят бўйича ХДП сафларига 800 нафар янги аъзолар қабул қилинди. Деярли барча шаҳар ва туман кенгашларида хотин-қизлардан жамоатчилик асосида ишлайдиган котиб сайланди.

Миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш борасида ХДП бошланғич ташкилотлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган. Сиёсий етук, маънавий баркамол, эътиқоди юксак, чуқур билимли кадрларни тайёрлаш, албатта, партия ташкилотларининг иши. Вилоят кенгашида ўтказиладиган назарий семинарларда «Мулоқот» клуби машғулотларида партия ташкилотларига оид, миллий мафкурани шакллантириш, тарғибот ва кўргазмали ташвиқотни ривожлантириш муаммолари муҳокама қилинаётир.

Республикамиз мустақиллигига бағишлаб белгиланган тадбирларда вилоятимизнинг ҳар бир фуқароси онгига истиқлолнинг тарихий моҳиятини англатиш, озодлик, Ватанга меҳр-муҳаббат, унинг нурли келажагига комил ишонч, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, юртимизда тинчлик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни сақлаб қолишнинг аҳамиятини тушунтириш кўзда тутилган. Вилоятимиз зиёлилари, сиёсатшунослари, адиб ва шоирлари, санъаткорлари, фахрийлари, кўзга кўринган жамоат арбоблари иштирокида ўтказиладиган учрашувлар, гурунг, суҳбатларда республикамиз раҳбариятининг юритаётган сиёсати, амалий ишлари халқимиз манфаатларига тўла жавоб беришни, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли, ХДП дастурий мақсадларининг моҳиятини тушунтиришни назарда тутганмиз.

Мустақил йўлимиз энди бошланди. У йўл равон бўлиши учун, келажак авлодга гуллаб-гуркираган қудратли Ўзбекистонни мерос қилиб қолдириш учун ҳали улуғвор ишларни қилишимиз керак. Муҳими, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳисса қўшганмиз, дейишга ҳақли бўлайлик.

«Истиқлол йўқламаси» туркумидаги мақолаларнинг давомини учинчи бетда ўқийсиз.

ҒАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИ ЙЎЛИДА

⊙ Жиззах вилояти ғаллакорларни республикамизнинг ғалла мустақиллигини таъминлашга ҳисса қўшиш мақсадида давлат омборларига 80 минг тоннадан ортиқ сара дон тўкишди. Айни пайтда уруғлик жамғаришга ҳам эътибор берилаётир.

Зомин туманидаги «Зарбдор» давлат хўжалиги деҳқонлари вилоятнинг катта хирмонига баракали улуш қўшдилар.

— 3300 гектар майдонга арпа ва буғдой экканэдик,— дейди хўжалик бош агрономи Н. Анқаев. — Лалмикор майдонларда кўнгилдагидек ҳосил етиштирилди. Арпанинг ҳар гектаридан ўртача 9, буғдойдан 8 центнердан ошириб ҳосил олинди. Давлатга 400 тонна дон топширишимиз керак эди. Ҳозиргача топширган ғалламиз 600 тоннага етай деб қолди. 250 тонна уруғлик жамғариб қўйдик. И. Данаков, С. Абдуғаниев, Ҳ. Тўйчиевлар бошлиқ бригадалар ҳосилни тез ва соз ўриб-йиғиб олишда жонбозлик кўрсатдилар. Айниқса И. Данаков бошчилик қилаётган бригада жамоаси ҳосилдорликда ҳам, ўримни сифатли ўтказишда ҳам байроқдорлик қилди. М. Нишонов, Д. Мирзабеков, Қ. Данаков сингари механизаторларнинг унумли меҳнатлари туфайли 842 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 9-11 центнердан ҳосил олинди.

Б. РИЗАЕВ.

ЯНГИЛИКЛАР БЎҚАЛАР ХАБАРЛАР

ОНА ВАТАН: КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

⊙ ХДП халқ орасида

ХАЙРЛИ САФАР

ЎЗБЕКИСТОН ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси қарорига мувофиқ Мустақиллик байрамининг икки йиллигига бағишланган ўзига хос сафар ташкил этилди.

Бундай сафар чоғида олимлар, шоирлар, ёзувчилар ва партия ходимлари республиканинг турли вилоятларида бўлиб, мустақиллик ғояларини тарғиб қилиш йўлида саъй-ҳаракатлар қиладилар. Давра суҳбатлари ва учрашувларда қатнашадилар. Мақсад—мустақиллик даврида ислоҳотнинг қай даражада кетаётганлигини одамларга тушунтириш, келажаги буюк давлат қуриш ҳамда миллий мафкурани юзага келтириш билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларни ўртоқлашишдир.

⊙ Мустақиллик байрами

МАДҲИЯМИЗ ИЛК БОР КУИЛАНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг бош майдони — Мустақиллик майдони халқимизнинг буюк байрамига ҳозирланмоқда.

Бу ерда катта қурилиш, таъмирлаш ва ободончилик ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Мамлакатда ҳукм сураётган осойишталик ва сиёсий барқарорлик вазиятида айёмга ҳозирлик кўраётган халқимиз қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар тикланаётгани, эзгунияти билан келажаги порлоқ давлатни барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар намойишини қаршилайдилар. Бош майдонда 10 минг томошабинга мўлжалланган жой ҳозирланяпти. Давлатимиз рамзининг рангли тасвири оқшом онлари байрамона ёғду ила порлаши кўзда тутилган. Сўлим Анҳор бўйида эса 4 минг томошабинга мўлжалланган очиқ ёзги театр барпо этиляпти. Энг муҳими байрам куни Ўзбекистон Республикасининг мадҳияси хор қўшиқчилар гуруҳи ижросида илк бор куйланади.

⊙ Касаба уюшмалари ҳаёти

ТАДБИРКОРЛАР АНЖУМАНИ

КЕЧА Тошкентда Ўзбекистон тадбиркорлари Марказий Кенгашининг пленуми бўлди.

Йиғилиш аҳли Касаба уюшмаси аъзолари ўртасида тадбиркорлик ишларини ташкил этиш ҳамда Президентимиз И. А. Каримовнинг республика Касаба уюшмаси аъзолари билан учрашувда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

⊙ Айём шарафига

ЕНГИЛ САНОАТЧИЛАР ҲАШАРИ

ЎТГАН шанба куни Ўзбекистон енгил саноатчилари Мустақиллик байрамига бағишланган ҳашарда иштирок этдилар.

Тармоқнинг барча корхоналари ва ташкилотларида ғайрат кўрсатиб меҳнат қилинди. Тошкентдаги «Қизил тонг», «Юлдуз» тикувчилик бирлашмалари, Наманган, Андижон, Марғилондаги корхоналарнинг жамоалари хайрли ишга астойдил бел боғладилар. Миллион метрдан ортиқ газлама, юз минглаб трикотаж, пойабзал, пайпоқлар, гилам ва чинни буюмлар ишлаб чиқарилди. Енгил саноатчилар шу куни 1 миллиард 200 миллион сўмликдан кўпроқ халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришди.

⊙ Маданий алоқалар

ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО ФУТБОЛ

МУСТАҚИЛЛИК байрами арафасида тошкентлик мухлислар халқаро футбол учрашувини томоша қиладиган бўлишди.

Ўзбекистон Республикаси футбол уюшмаси байрамга бағишланган иккита халқаро учрашувни ташкил этишни мўлжаллади. Тошкентга Голландиянинг «Витес Арие» профессионал клуби келади. Таниқли бу жамоани ишқибозлар яхши билишади. 17 август куни «Пахтакор» футболчилари меҳмонлар билан майдонга тушадилар. 19 августда эса миллий терма жамоамиз Голландия футболчилари билан тўп суради.

⊙ Ишбилармонлик

БЕНЗИН ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ

ТАДБИРКОР Солижон Мирзаев бошлиқ «Адолат» фирмаси жамоаси Туркиядаги «Элгик—Фолгер» хусусий фирмаси билан биргаликда хайрли ишга қўл урди.

Фирма Туркманистондаги сармояси ҳисобидан андижонлик ишбилармонларга бензин ва турли озиқ-овқат маҳсулотларини арзон нархда етказиб беришни таклиф этиб, беш миллиард сўмлик маҳсулот келтирди. Шунингдек, бу фирма Қўрғонтепа туманидаги «Дардарак» давлат хўжалигида консерва ҳамда қайта ишланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қадоқлаш учун идиш ишлаб чиқарадиган завод қуришни мўлжалламоқда.

[Мухбирлар, хатлар ва ЎзА хабарлари асосида тайёрланди].

ЯНГИЛИКЛАР БЎҚАЛАР ХАБАРЛАР

Қулаҳмад **РИЗАЕВ:**

„ТИББИЁТ ФИДОЙИЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ“



Қулаҳмад Тошпўлатович Ризаев 1934 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. Тошкент давлат медицина институтининг болалар мутахассислиги бўлимини 1957 йилда «аъло» баҳоларда битиргач, меҳнат фаолиятини мазкур ўқув юртининг клиник ординатурасида бошлади. Айни пайтда ТошМИ комсомол қўмитасида олти йил котиблик қилди, сўнгра Тошкент вилоят комсомол қўмитасининг мафкура масалалари бўйича котиби, 1961 йилдан 1970 йилгача 7-болалар шифохонасида, 1989 йилгача 1-шаҳар клиник шифохонасида бош шифокор вазифасида ишлади. 1989 йилдан буён республика Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, ЎзХДП аъзоси.

Рафиқаси халқ артисти Бернора Қорнева Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси раиси, икки қиз, икки набиралари бор.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳар бир фуқаронн ижтимоий ҳимоялаш ҳақидаги сиёсати, соғлом авлод учун сарфлаётган куч-ғайрати барча шифокорларда чексиз ифтихор туйғуларини уйғотмоқда.

— Мустақиллигимизнинг икки йиллиги арафасида бу тарихий воқеа Тошкент шифокорларига нима берганлигини гапириб берсангиз.

— Мустақиллик бизга берган неъматларни бирор мезон билан ўлчаб бўлармикин?! Майли мутеликдан халос бўлганимиздан кейин қўйган дадил қадамларимиз ҳақида гапириб берай. Шу кунларда 5 нафар стоматолог Америка Қўшма Штатларида, 15 та ҳамкасбимиз Туркияда сафарда юришибди. Эрта-индин яна бир гуруҳ шифокорлар Германия Федератив Республикасига отланишмоқда. Илгари «Марказ»нинг измидан ташқари бирон қадам қўя олармидик. Агар мустақил бўлгунимизча бирор тиббиёт ходими хорижга қадам қўйса, у албатта сайёҳ сифатида борарди. Эндиликда ходимларимиз мустақил мамлакатнинг мустақил мутахассиси сифатида ўз билганини ўргатиш, борган жойидан ўрганиш учун ташриф буюради.

Ҳозир дори-дармон тақчиллиги ҳақида кўп гапириляпти. Тўғри, собиқ Иттифоқ тарқаб кетгач, аввалги алоқа йўллари бекилиб қолди. Ҳозирги пайтда шаҳримиз эҳтиёждаги дорининг 67 фоизи билан таъминланмоқда. Ўтиш даврида бундай қийинчилик бўлиши табиий, албатта. Лекин Президентимизнинг тинимсиз жон куйдириши туфайли валюта ҳисобига Туркия, Венгрия, АҚШ, Япония, Ҳиндистон ва бошқа хорижий мамлакатлардан зарурий дармонлар келтирилмоқда. Бу ҳам мустақиллигимиз шарофатидир.

Ўрни келганда шуни айтай. Илгари Москвага кўз тиккан давримизда ўзимиздан қатъий ҳаракатлар бўлмаган экан. Негаки, «Марказ» ташаббускорликни қўллаб-қувватламас, бу ишга рағбатни сусайтирарди. Ўзбекистон мустақил бўлгач, бир йилдан сўнг аввалги заҳиралар тугаб, дори-дармондан тақчиллик сезила бошланди. Нима қилиш керак? Қараб туриб бўлмайди. Биз Тошкент вилояти ҳудудидан 50 гектар ер олиб шифобахш гиёҳлар ўстирдик. Эндиликда фитобарларда «ҳосилимиз» жуда арзон баҳоларда сотилмоқда. Демак, ташаббус билан ишлаш ҳам мустақиллик туфайли туғишди.

— Қулаҳмад ака, суҳбатимиз аввалида газетхонларимизда тўлароқ тасаввур ҳосил қилиш учун бугунги Тошкент тиббиёт миқёсини ифодаловчи кўрсаткичларни келтирсангиз.

— Бажонидил. Шу кечакундузда мамлакатимиз пойтахтидаги 400 дан зиёд тиббиёт муассасасида жами 157 минг ходим меҳнат қиляпти. Улардан 8.830 нафари олий маълумотли шифокорлар, 40 мингдан зиёди ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходимларидир. Шаҳар ҳудудида 197 та даволаш-профилактика муассасаси, 41 та касалхона, 22 та диспансер, 104 та амбулатория-поликлиника, кўплаб профилактарий-санаторийлар ишлаб турибди. Жами 169 та дорихонада 2500 дан зиёд оқ халатли ходимларимиз халқ хизматига камарбастадир. Булардан ташқари, Тошкентда турли соҳаларга ихтисослашган 9 та марказ фаолият кўрсатмоқда.

— Бош бошқарма қамрови ҳақиқатан кенг экан. Марказий Осиёдаги баъзи мустақил давлатларда шунчалик тиббиёт тармоғи йўқ десак адашмаймиз. Энди айтингчи, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ҳам пойтахт мавқеига мосми?

— Яхши мавзудан гап очдингиз. Илгари пойтахт медицинаси деганда кўпчилик Москвани, ўша ердаги тиббий марказлар ва мутахассисларни тасаввур қиларди. «Фалончи Москвада даволанибди», «Пистончи Кремл касалхонасига жойлашибди» деган баландпарвоз гаплар қулоққа чалиниб қоларди. Лекин «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деган нақл бизнинг соҳага ҳам тааллуқли эканлигини ўйлаб кўришмасди. Мен қарийб 40 йилдан буён тиббиёт соҳасида ишлаб келаётган мутахассис сифатида тўла масъулиятни зиммамга олиб айтаманки, Тошкентимизда ишлаётган юксак малакали шифокорларимиз Москвадаги машҳур академиклардан заррача қолишмайдилар. Кардиология соҳасида ном қозонган профессор Карим Йўлдошев, ўпка касалликлари бўйича ўз соҳасининг зукко билимдони Абдулла Убайдуллаев, асаб касалликлари бўйича профессор Абдуманноп Раҳимжонов каби кўплаб мутахассисларимиз номини нафақат Ўзбекистонда, балки чет давлатларда ҳам яхши билишади. Бугунги кунда мамлакат соғлиқни сақлаш жабҳасига раҳбарлик қилаётган вазиримиз Шавкат Каримов ҳам мунтазам жарроҳлик операцияларида қатнашиб туради. Шундай ноёб мутахассисларимиз борлигидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Сиз тиббий хизмат даражаси пойтахт мавқеига мосми, деб сўраяпмиз. Мен бир мисол келтирай, шундан хулоса чиқарамиз. Бугунги кўп нарсалар пулга чақиб гапирилаётган замонда Москва шаҳрида ўртача даражадаги кўричакни олиб ташлаш 150 минг сўм туради. Юртимиздан бирор бемор йўли Москвага тушиб қолса-ю ташхис мосламасида ўзини текширтирмоқчи бўлса (даволаш эмас), 100 минг сўм тўлашини талаб қилишади. Бордию томоқдаги ўсимтани олиб ташлашни сўрасангиз 700 минггача бўлган нархни айтишади. Бизда эса бу хизмат турларининг ҳаммаси бепул.

— Қулаҳмад ака, суҳбатимиз давомида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Биз кечаги кунимиздан воз кечмай, келажакни кўзлаб ишламоқдамиз» деган суҳбатида кўп ташвишларимиз одамларни «сиёсатчилар» ва «иқтисодчилар»га сунъий равишда бўлиш оқибати эканлиги таъкидланди. Агар мен соф тиббиётдан бошқа нарсани ҳисобга олмасам, иш юришармиди? Кези келганда шуни айтай: республика Вазирлар Маҳкамасида ярим йиллик якунларига бағишлаб ўтказилган кенгашда айтилган танқидий фикрларни ўз соҳамиздаги ҳар бир раҳбар учун тааллуқли, деб ҳисоблайман. Агар ўша анжуманда ҳукумат аъзолари, ҳокимлар танқид қилинган бўлса, биз ҳар бир тиббиёт муассасаси раҳбари олдига «Хўш, сиз бугунги талабларга жавоб берасизми?» деган саволни кўндаланг қўймоқдамиз. Ҳамма соҳада талаблар даражасидаги ҳолим ишлаши керак, тиббиётда эса айниқса. Чунки у жамиятнинг энг асосий бойлиги—инсон саломатлиги учун, соғлом авлод тақдири учун масъул. Агрономнинг хатосини кейинроқ тузатса бўлар, лекин тиббиётдаги хато жуда қимматга тушиши мумкин. Балки бошқа соҳада ишга номига бориб келувчилар бўлиши мумкин, лекин тиббиёт бутун куч ва билимни аямай сарф қилишни ва фидойиликни талаб қилади. Биз кадрларимиз фаолиятига баҳо берганимизда ана шу нуқтаи назардан ёндошамиз.

Вазирлар Маҳкамасининг кенгашида айтилган гаплар хусусида эски шаҳарнинг бешта чойхонасида оқсоқоллар билан суҳбат қурдик. Уларда қўпни кўрган отахонлар юртимизда иқтисодий ислоҳот оқилона амалга оширилаётганидан мамнун эканликларини айтишди...

— Кечирасиз, нега айнан эски шаҳардаги оқсоқоллар билан учрашдингиз?

— Улар менинг сайловчиларим. 31-сайлов ҳудудидан мени Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлигига сайлашган. Бундай мулоқотлар тез-тез бўлиб туради.

— Депутат сифатида яна қандай ишларни амалга оширяпсиз?

— Кейинги уч йил ичида учта амбулатория ишга тушган. Гарчи эскича типда қурилган ҳовлилар кўп бўлса-да, водопровод ўтказилди, газ ўтказиш давом эттирилди. Йўллар асфальтланди.

— Эшитишимча, сиз сайловдли йиғилишларида пулли тиббиётга тарафдор эмаслигизни айтган экансиз. Шу гап тўғрими?

— Нафақат сайловчилар билан учрашганда, балки бошқа анжуманларда ҳам бепул тиббий хизматни тарғиб қилиб келаман. Бу менинг эскича фикрлашим оқибати эмас. Аксинча халқимизнинг бугунги ҳаёти, турмуш тарзи билан яқиндан таниш бўлганлигим учун ана шу фикрдаман. Бозор иқтисодиёти талаблари одамларнинг имкониятларини чеклаётган бир пайтда тиббиётни яна халқ ҳамёни ҳисобига йўлга қўйиш, менимча, инсофдан эмас.

Пулли тиббий хизматга қарши эканлигимга яна бир сабаб бор. Кузатишлар шуни кўрсатдики, кўп ҳолларда малакасиз, қўним билмайдиган мутахассислар ўз ларини пулли тиббиёт муассасаларига уришади. Эл эътирофини қозонган, соҳасини яхши эгаллаган шифокорлар ундай муассасаларга кам боришади.

Тўғри, пулли тиббий хизмат келгусида бўлади, лекин унгача иқтисодий бақувват ҳолга келишимиз керак.

— Тошкент шаҳрида кундузги шифохоналар очилиши жамоатчилик томонидан катта янгилик сифатида қабул қилинди. Уларнинг афзаллиги ҳақида гапириб берсангиз.

— Кундузги шифохоналар ҳам тармоқдаги ислоҳотларнинг бир шаклидир. Кейинги уч йил мобайнида соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги илғор, иқтисодий жиҳатдан самарали усулларини излаш борасида кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Яқин-яқинларгача тиббий ёрдам кўрсатишнинг мавжуд бўлган шакли асоссиз равишда ўринлар сонининг кўпайишига, беморларни жойлаштиришда санитария талабларининг бузилишига олиб келарди. Кечаю кундуз назорат йўлга қўйилган касалхонадаги беморлар ўргачилганда эксперт комиссияси улардан 40 фоизини бемалол амбулатория шароитида тиббий ёрдам олиш мумкин, деган хулосага келди. Кундузги шифохона ҳақидаги ғоя шу тарзда рўёбга чиқди. Кечаю кундузги шифохонада 100 фоизга нисбатан ҳисобга олганда унинг 37,6 фоизи кундузги шифохонада сарфланади. Агар 1991 йилда 51 даволаш муассасасида кундузги стационарлар 647 ўринга кенгайиб, унда 16 минг бемор даволанган бўлса, 1992 йилда 56 даволаш профилактика муассасаларида 1206 ўринли кундузги стационарлар ташкил этилиб, уларда 19.189 киши даволанди. 1993 йилда 81 даволаш муассасасида 1.556 ўринли кундузги стационарлар очилди ва унда 10 мингдан зиёд бемор даволанди. Бу 86 минг сўмни тежаш имкониятини берди. Биз энг юксак малакали шифокорларимизни, таниқли профессорларимизни кундузги шифохоналаримизга сафарбар этдик. Бундан давлат ҳам, аҳоли ҳам манфаатдор бўлаётир. Ана шу янгилик туфайли ҳар палатага 15—20 тадан беморни тиқиштириш, коридорларни банд қилишга барҳам берилди.

— Қулаҳмад ака, ҳар йили Наврўз кунларида Тошкентдаги тиббиёт ходимлари биз, журналистларни ўз ош жойларидаги байрамларга таклиф қилишади. Демоқчиманки, шифокорларимиз оммавий тадбирларни ташкил этишга уста. Шу маънода мустақиллик байрамига қандай тайёргарлик кетяпти?

— Ходимларимиз ичида санъат ихлосмандлари, ижод билан шуғулланувчи истеъдодлар жуда кўп. Ахир инсон руҳи билан машғул касбнинг ҳаммаси ижодга яқин туради. Биз Бернора Қориева, Қундуз Миркаримова, Фаррух Зокиров, Маъмура Эргашева каби халқ артистларимизнинг беминнат ёрдамлари билан «Шифокор» дастаси туздик. Унга 120 нафар тиббиёт ходими аъзо бўлди. Даста иштирокчилари бир қанча гуруҳга бўлиниб, жойларда мустақиллик байрами тананаларида қатнашдилар. Хуллас, орзиқиб кутилган айём ҳар бир жамоада муносиб нишонланади.

Суҳбатимиз якунида кўнглимдаги бир гапни айтмасам бўлмайди. Буюк келажак қуриш сари чоғланган Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ходимлари ҳар томонлама ғамхўрлик билан қуршалган. Ҳеч қайси МДҲ мамлакатларида биздагичалик эътибор кўрмадим. Кейинги бир ярим йил ичида тиббиёт ходимларининг иш ҳақларини ошириш бўйича Президентимиз 5 та фармонга имзо чекдилар. Баъзилар нарх-наво қиммат дейишади. Ахир битта тиббиёт ҳамшираси 35—40 сўмлик ойликка ишлаган даврларни биламиз. Ҳозир оддий ҳамшира ойига 35—40 минг, малакали шифокорлар 70—80 минг сўм олишмоқда. Ношукур бўлмайлик, тинч, осойишта замонда баракали меҳнат қилайлик.

Суҳбатдош:
Шуҳрат ЖАББОРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 1993 йилнинг 6 августида Ўзбекистон Республикаси олий судининг аъзоси О. Турғунбоев раислигида Х. Худойбердиев, О. Орифов, О. Каримов, С. Умурзоқов, А. Маҳмудов ва Б. Шокировга нисбатан қўзғатилган жиноий ишни кўриб чиқди... Улар давлат.а қарши ўта хавфли жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилдилар.

Республика Олий судининг ҳукмига биноан Х. Худойбердиев ва О. Орифов беш йилга, О. Каримов, С. Умурзоқов, А. Маҳмудов уч йилга озодликдан маҳрум этилди. Бироқ, жиноят ўз вақтида аниқланиб, ёмон оқибатларнинг олди олингани ва судланувчиларнинг саломатлиги назарда тутилиб, шунингдек, республика қонунларида инсонпарварлик руҳининг устворлиги туфайли уларга белгиланган жазолар уч йил шартли синов муддати билан алмаштирилди.

Бобур Шокиров белгиланган жазони амалда ўтаб қўйгани учун эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, у суд залидан озодликка чиқарилди.

«Эрк» демократик партияси ва унинг аъзолари ўз низомига зид бўлган фаолият билан шуғулланиб, «Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун талабларини бузганликлари учун тегишли чора кўриш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ва бош прокурорига топширилди.

Республика бош прокурорига «Эрк» демократик партиясининг раиси Муҳаммад Солиҳ — Мадаминов Салайнинг жиноий жавобгарлиги масаласини яна бир бор кўриб чиқиш ҳамда унинг тергов ва суд олдида жавоб беришини таъминлаш юклатилди.

Ўз низомига зид фаолият билан шуғулланиб келган, ғайриконституциявий ҳаракатларни содир этган «Бирлик» халқ ҳаракати ва унинг аъзоларига «Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун асосида чора кўриш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ва Республика бош прокурорига топширилди.

Қуйида Тошкент шаҳар прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Э. Жўраевнинг ушбу суд жараёнида сўзлаган нутқини қисқартирилган ҳолда эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Ҳурматли суд ҳайъати!

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, сиз кўраётган жиноят иши, бу — оддий жиноий иш эмас. Унинг хавфли хусусияти шундаки, суд курсисида ўтирган кимсалар ёш, мустақил давлатимизнинг асосий қонуни — муқаддас конституциямизга қасд қилганлар.

Яқинда республикамизнинг мустақилликка эришганига икки йил тўлади. Аммо шу қисқа вақт ичида давлатимизга қарши турли хил найранг ва ғаламисликларнинг гувоҳи бўлдик. Юқори ҳокимият идоралари шаънига айтилган қуруқ туҳматларни ҳам асосий мақсади миллий низо қўзғаш, одамларнинг тинчлигини бузиш бўлган кимсаларнинг уринишларини ҳам кўрдик. Лекин ҳеч ким халқимизнинг республикамиз демократик ва иқтисодий тараққиёт сари тинч ва тўғри йўлдан кетаётганига бўлган ишончини сўндира олмади. Ҳеч ким бизнинг энг катта бойлигимиз — конституциямизда эълон қилинганидек, инсоннинг ҳаёти, ҳуқуқлари, эркинлиги экани ,шу билан бирга, қадр-қимматимизга тажовуз қилган ҳар қандай кимсага қонуний зарба берилиши муқаррар эканига шубҳа ҳам туғдира олмади.

Конституциямизнинг халқчиллиги ва одиллиги жаҳоннинг етук мутахассислари томонидан тан олинган. Ўзбек халқи муқобил сайлов асосида ҳалол ва кучли конституциявий ҳокимият тузишга эришди.

Айни вақтда республика конституцияси давлат ҳокимиятини ғайриқонуний тарзда қўлга олишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатни тақиқлайди ва жиноят деб эълон қилади. Ахир, бундан бошқача ҳам бўлиши мумкинми!

Тараққий этган барча давлатларнинг конституцияларида бундай хатти-ҳаракатлар алоҳида хавфли жиноятлар қаторига киритилган. Масалан, Россия Конституцияси охирги лойиҳасининг 5-моддасида: «Россия Федерациясида ҳеч ким ҳокимиятни ўзлаштира олмайди. Давлат ҳокимиятини зўрлик билан эгаллаш алоҳида оғир жиноятдир», дейилган.

Бундай қоида барча мамлакатлар конституцияларида мавжуд. Чунки, инсоният тарихи давлат ҳокимиятини зўрлик билан эгаллаш тўғридан-тўғри қон тўкилишига, фуқаролар урушига сабаб бўлишини доимо уқтириб келган.

Суд курсисида ўтирган шахслар айнан шундай ёвуз мақсадларда давлат ҳокимиятини эгаллашга қасд қилганликда айбланмоқдалар.

Суд бир ой мобайнида ишни кўриш давомида бўлган турли хил қаршиликлар, ҳатто суд жараёнининг тўғри кетишига тўсқинлик қилган айрим судланувчилар ёки уларни гўё инсон ҳуқуқларини ҳимоя этувчи «қаҳрамонлар» қилиб кўрсатишга уринган айрим чет эл матбуоти ходимларининг ашаддий тазйиқларига қарамасдан, қонун бузилишига йўл қўймасдан, шу билан бирга, судланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаган ҳолда, дастлабки тергов материалларини синчиклаб таҳлил қилди. Бу билан қонуннинг адолат тамойилига холисона амал қилинишини яна бир бор кўрсатди.

Буларнинг асосий якуни шуки, судланувчиларнинг айби юзасидан прокуратура томонидан дастлабки тергов давомида тўпланган далиллар суд муҳокамасида ўз тасдиғини топди.

Жиноят иши материалларига кўра қуйидаги факт ва ҳолатлар аниқланган.

Судланувчилар — «Бирлик» халқ ҳаракати фаоллари Худойбердиев Ҳазратқул, Маҳмудов Абдулазиз, Каримов Олимжон, «Эрк» демократик партиясининг аъзолари Орипов Отаназар, Умурзоқов Саловат ҳамда фуқаро Шокиров Бобур манманликка берилиб, ғаразгўйлик ва амалпарастлик ниятлари билан 1992 йил май, июнь, июль ойлари давомида ҳокимиятни эгаллаш мақсадида фитна уюштириб, ташкилий фаолият кўрсатиб, конституцияга хилоф равишда давлатга қарши алоҳида оғир жиноятларни содир қилганлар.

Ана шу давр ичида «Эрк», «Бирлик», «Халқ дипломатия уюшмаси», ҳеч жойда рўйхатдан ўтмаган «Ўзбекистон озод деҳқонлар партияси» ва «Туркистон халқ ҳаракати» вакиллари иштирокида ғайриқонуний йўл билан қонун ишлаб чиқиш ваколатларига эга бўлган янги орган, яъни «миллий мажлис» тузиш мақсадида Каримов Олимжон раислигида бир неча бор йиғилиш ўтказилган. Мазкур «Миллий мажлис»га оид бўлган ҳужжатларни тайёрлаш учун ташаббус гуруҳи тузилади. Унга судланувчилардан Шокиров раис, Худойбердиев, Умрзоқов ва Маҳмудов гуруҳ аъзолари қилиб киритилади. Уларга «Миллий мажлис» тузишга доир ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон демократик кучларининг «миллий мажлис» тузиш тўғрисидаги битими, «Миллий мажлис»нинг муваққат тузуги ва демократик йўналишдаги сиёсий партиялар, ҳаракатлар, бирлашмалар ва ташкилотлар вакиллари ташаббус гуруҳининг баёнотлари лойиҳаларини ишлаб чиқиб, мазкур мажлисга тақдим қилиш топширилади.

Кўриниб турибдики, гап фақат сиёсий кураш ва у ҳақдаги фикрлар тўғрисида эмас, балки жиддийроқ, амалга ошиши аниқ бўлган, жамият учун ўта хавфли жиноят ҳақида боряпти.

Юқорида эслатилган гуруҳ томонидан «миллий мажлисга оид ҳужжатлар тузилиб ,бир неча бор йиғилишда муҳокама қилинади. ва уларда кўрсатилган ғоялар мажлис қатнашчилари томонидан тўлиқ маъқулланади.

Лекин бу ҳужжат ҳали хомлиги ва пишиб етмагани учун, судланувчи Шокировнинг таклифига кўра, юқорида номлари саналган партия, ҳаракат, уюшма ва ташкилотларнинг раҳбарларига топширишга келишилади.

Шунга асосан 1992 йил 19 июнь куни судланувчилар — Каримов, Умурзоқов, Худойбердиев ва Шокиров «Эрк» демократик партиясининг раиси Муҳаммад Солиҳ ҳузурига оорадилар.

Судда тўлиқ тасдиқланганидек, Муҳаммад Солиҳ «Миллий мажлис»га оид бўлган ҳужжат — «Миллий мажлис тузуги» лойиҳаси билан танишиб, унга ўз қўли билан қўшимча ўзгартишлар киритиб, «Миллий мажлис» ғоясини маъқуллайди. Лекин лойиҳани қайта ишлаш зарурлигини айтади, унинг бир нусхасини «Эрк» партияси сиёсий ишлари бўйича котиби Орифов Отаназарга бериб, қайта ишлаб тайёрлашга топширади.

О. Орифов Муҳаммад Солиҳнинг топшириғи бўйича, «Миллий мажлис тузуги» лойиҳасини кўриб, фикр ва эътирозларини Муҳаммад Солиҳга айтади. Сўнг шу лойиҳа юзасидан уюштирилган йиғилишга қатнашиб, «Миллий мажлис» тузуги лойиҳасидаги ғояни маъқуллаб, шу билан бирга ҳали унинг хомлигини, пишитиш лозимлигини айтади.

Шундан сўнг О. Орифов, Х. Худойбердиев бир неча кун давомида «Миллий мажлис»га оид ҳужжатлар: битим, тузук ва баёнотлар лойиҳасининг охирги вариантини ишлаб чиқиб, «Эрк» демократик партиясига тегишли компьютерда кўпайтириб, юқорида номи саналган партия, ҳаракат ва уюшма раҳбарларига тарқатган.

Кўриб турибсизки, бу ерда гап жуда аниқ уюшган ташкилий фоалият ҳақида боряпти.

(Давоми тўртинчи бетда).

янгиликлар Воқеалар ҳабарлар

„Биз ким, мулки Турон...“

ҚИРҒИЗИСТОН АМЕРИКАДАН ҒАЛЛА ОЛАДИ

● **БИШКЕК. Бу йил Қирғизистон далаларида етиштирилган ғалланинг чўғи кам кўринмоқда.**

Баҳор фаслида бўлган табиий офат — кетма-кет дўл, сел ва узлуксиз ёмғир ёғиши натижасида экинзорлар шикастланган. Бунинг учун АҚШ Қирғизистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга ҳозирланмоқда. Океан ортидаги мамлакат бу йил қирғизларга 5 миғ тонна ғаллани инсонпарварлик ёрдами тариқасида етказиб бермоқчи.

БАЙКАЛОРТИ ЖАНГЧИЛАРИ ГУРУҲИ

● **Чита шаҳрида Байкалорти чегара округи жангчиларининг катта гуруҳини Тожикистонга жўнатиш учун ўзига хос тантанали тадбир бўлиб ўтди.**

Забайкалликлар тожик-афғон чегарасини мустаҳкамлашда қатнашиш учун у ерга йўл олмоқдалар. Барча аскарлар ва сержантлар бу хизматни ўташ учун қўмондонлик томонидан кўнгилли тарзда жиддий асосда танланди.

Байкал орти чегара мактабини яхши ўтаган аскарлар афзалликка эга бўлдилар.

ГРУППА РАҲБАРИ БАЁНОТИ

● ДУШАНБЕ. Россия мудофаа вазирлиги оператив группасининг раҳбари, қуруқликдаги қўшинлар бош қўмондонининг ўринбосари генерал лейтенант Александр Соколов Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган матбуот конференциясида кейинги ойда тожик-афғон чегараси 120 мартадан ортиқ бузишга уринганлигини маълум қилди.

ЭСКАДРИЛЬЯ ЯРАТИЛАДИ

● **ДУШАНБЕ. Тожикистон яқин вақтлар ичида СУ-25 маркали штурмовиклардан иборат эскадрильясини яратиш ниятида.**

Шунингдек, жанговор вертолётлар сонини ҳам кўпайтиришга ҳаракат қилинмоқда. Ҳозирги пайтда Тожикистонда фақат бешта вертолёт бор.

ТУРКМАНИСТОН АЛИФБОСИ

● **АШГАБАТ. «Мугаллим»лар газетининг хабар беришига кўра, янги ўқув йилидан бошлаб бутун мамлакат янги алифбони ўқишга киришади.**

Шундай қилиб, лотин графикасига асосланган янги туркман алифбоси яратилди.

ХАЛҚАРО ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИ

● **БИШКЕК. «Вечерний Бишкек» газетаси хабар беради: Бишкек шаҳрида Қирғизистоннинг энергетика таркиби ва Ислом мамлакатларининг энергетикаси билан бирикиши ҳақида фикр пайдо бўлди.**

Бунинг учун аввало Норин дарёсида яна бир янги ГЭС қурилишини ниҳоясига етказиш ва Ислом минтақаларига 2 минг километр узунликда электр симларини тортиш тугатиш керак. Бу лойиҳани Ислом тараққиёт банки ўз зиммасига олиши мумкин.

ДАСТЛАБКИ ТАБОБАТ КЎМАГИ

● **АЛМАТИ. Япония Қозоғистонда ўзининг дастлабки элчисини тайинлаши муносабати билан унинг ҳукумати Қозоғистонга турли дори-дармонлар билан ёрдам бериш ҳақида қарор қилди.**

Мутахассисларнинг фикрига кўра тавсия этилаётган дори-дармонлар 30 минг кишини уч ой мобайнида даволаш учун кифоя қилади. Ўтган ойнинг охирида табобат юклари Алмати аэропортида тушириб олинди. Август ойида яна қўшимча фармацевтика вакциналари олиниши кутилмоқда.

ТАИЛАНД ВА ҚОЗОҒИСТОН АЛОҚАСИ

АЛМАТИ. Бу ерда август ойининг охирида Таиланд мамлакати бош вазирининг ўринбосари Қозоғистонга келиши кутилмоқда.

Бу ана шу мамлакат раҳбарлигининг жавоб сафаридир. Матбуот хабарларидан яхши маълумки, ўтган ҳафталарда Президент Н. Назарбоев бошлиқ Қозоғистон ҳукумати делегацияси у ерда бўлган эди.

АВФ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

● **Тожикистон Олий Кенгаши президиуми конституциянинг 108-моддасига биноан республика мустақиллиги куни байрами муносабати билан авф этиш тўғрисида қарор қабул қилди.**

Бу тадбир ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлашаётганини инобатга олиб ҳамда инсонпарварлик йўриқларига мувофиқ ҳолда амалга оширилди.

Қарорда Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, вояга етмаган фарзандлари бўлган, шунингдек, ҳомиладор аёллар, I-II-гуруҳ ногиронлари, илк марта бош йилгача муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган вояга етмаган шахслар жазодан озод қилиниши қайд этилган Тожикистон билан Афғонистон ҳудудларида ҳаракат қилаётган ғайриқонуний куролли тузилмаларда хизмат қилган ва 1993 йил 9 сентябрга қадар бу тузилмаларни тарк этган шахслар ҳам жазога тортилмайди.

ЯНГИ КОРПОРАЦИЯ

● **Хатлон вилояти халқ хўжалигини тиклаш мақсадида Душанбеда «Хатлон» илмий ишлаб чиқариш тижорат корпорацияси ташкил этилди.**

Корпорация тўртта бўлинмадан — «Хатлон ижод» ахборот — аналитик маркази, «Хатлон» тижорат банки, «Хатлон» тижорат биржаси, «Хатлонни бунёд қилиш» халқаро уюшмасидан иборат. Бу бўлинмалар вилоятда издан чиққан халқ хўжалиги объектларини тиклаш ва янги завод-фабрикалар қуриш, кичик корхоналар ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатади. Жумладан, вилоятда Германия-Швейцария технологияси асосида бинт ишлаб чиқарадиган корхона бунёд этиш мўлжалланмоқда.

Корпорация ҳозирги кунда Марказий Осиё, энг аввало Ўзбекистон корхоналари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш режаларини белгилаяпти.

(Марказий Осиё давлатлари ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИГА

• *Бунёдкорлик*

ИСТИҚБОЛИМИЗ ЙЎЛИ ОЙДИН

ВИЛОЯТ ҲОКИМИНИНГ МУОВИНИ БАХТИЁР ПАИЗИЕВ БИЛАН СУҲБАТ

— Бахтиёр Пайзиевич, тараққиётимизнинг серташвиш босқичларида вилоят қурувчиларининг аҳволи қалай, республикамиз Истиқлол байрамини улар қандай қарши олмоқдалар?

— Қурилишсиз юксалиш ҳам, тараққиёт ҳам йўқ. Қурилиш қилмаган юртнинг кўрки-чиройи очилмайди.

Ишларимиз жуда яхши, десак хато қиламиз, албатта. Лекин гапнинг рости, вилоят тарихида шу пайтга қадар бирор марта ҳам капитал қурилишдаги режалар бу қадар муваффақиятли бажарилганини эслаш қийин. Катта қийинчиликларга қарамай, деярли барча соҳаларда қурилиш ишлари давом этмоқда, белгиланган марралар эгалланмоқда.

— Бугунги қурилиш ишларида кўпроқ қайси соҳаларга эътибор кучайтирилмоқда?

— Албатта ишлаб чиқариш объектларига бўлган эътибор ҳар доимгидек устивор. Энди бундай корхоналар асосан давлат мулки билан бир қаторда ишлаб чиқариш объектлари хўжайинларининг маблағлари ҳисобига бунёд этилаётир. Айниқса чет эллик шериклар билан биргаликда иш юритиш кенгаймоқда. Италия, Туркия, Хитой ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар, янги саноат объектлари бунёд этилаётир. Биз ҳозир озиқ-овқат, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилишига катта эътибор бераётирмиз. Гулистонда барпо этилаётган алькоголсиз ичимликлар заводи, консерва заводи, пайпоқ тўқиш, совун ишлаб чиқариш цехлари, Боёвутда барпо этилиши кўзда тутилаётган ип йигирув корхоналари ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу корхоналарнинг ҳаммаси биз юқорида санаб ўтган чет эл фирмалари билан ҳамкорликда қурилади.

— Уй-жой, маданий-маиший, маориф ва медицина объектлари қурилиши қандай бормоқда?

— Вилоят ҳокимлигининг шу йилга мўлжалланган ҳаракат дастурида ҳам уй-жой, мактаб, шифохона ва боғчалар қурилишига катта эътибор берилган. Биз—қурувчилар ўз ишларимизни ана шу топшириқ ва режалар асосида олиб бораётирмиз. Масалан, ўтган йили вилоят бўйича 152 минг 539 квадрат метр уй-жой, 5720 ўринли мактаблар, 1055 ўринли болалар боғчалари, 210 ўринли шифохона ва 790 ўринли поликлиникалар қурилган эди. Ана шу қурилишларнинг асосий қисми қишлоқ жойларида амалга оширилаётир. Айниқса Ховос, Боёвут, Сайхунобод, Оқолтин ва бошқа туманларимизда мактаб ва шифохоналар, боғчалар қурилишига катта эътибор берилаётир. Уй-жой қурилиши режаси деярли 200 фоизга бажарилди. Якка тартибда уй-жой қурилишлари кўрсаткичларимизнинг асосини ташкил этмоқда. Ярим йилликда маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан салкам 60 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Агар ўтган йил жами 572 ўринли мактаб қурилган бўлса, мазкур йилимизнинг дастлабки ярмидаёқ 3158 ўринли мактаб бинолари ўқувчи-ёшларга армуғон этилди.

— Қўриқ воҳа қурилишларида яна қандай янгиликларни таъкидлаб ўтиш мумкин?

— Президентимиз Ислом Каримовнинг қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва газ билан таъминлаш борасидаги фармонларини бажариш йўлида анча ишлар қилинмоқда. Шу йилнинг ўзидагина 82,6 километр газ ва 27,3 километр ичимлик сув тармоқлари барпо этилди.

Яна бир янгилик—шахсан Президентимиз назоратида бўлган Янгиер—Жўлангар—Баландчақир сув йўли қурилишида иншоотнинг биринчи босқичи фойдаланишга топширилиш арафасида, иккинчи босқичида ҳам ишлар қизғин ва учинчи босқичида ҳам ишлар бошлаб юборилди.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

У. АБДУЖАЛИЛОВ,



Сирдарё деганда авваломбор Мирзачўл тушунилади. Яъни бунёдкор одамлар яшнатаётган янги боғ-роғлар, пахтазорлар кўз олдингизда намоён бўлади. Ана шундай чўлу биёбонларни обод қилишда қатнашаётган одамларни эса қанча таърифласак, шунча оз.

Зарим Якубов ҳам ана шундай эъзозга лойиқ кишилардан. У қрим-татар фарзанди. Умрининг ярмидан ортиқроғини чўлга бағишлаган. У ёшлигидан чўлларда янги хўжаликлар ташкил этишда қатнашди. Бундан 24 йил бурун фаолиятини бошлаган бўлса-да, шу орада Тошкент қишлоқ хўжалик олийгоҳини ҳам сиртдан битирди. Аввал бригадирлик қилди. Кейинчалик эса бўлим бошлиғи даражасига кўтарилди. У ҳозир Оқолтин районидаги Бобур номли ширкатлар уюшмасининг раиси.

У илгари бўлим бошқарувчиси бўлган қўшни хўжалик деҳқонлари ундан ҳамиша миннатдор. Зеро, бўлимдагилар астойдил меҳнат қилганликлари туфайли катта даромадга эга бўлишди. Ўйлаб кўринг-а, ўтган йили шу бўлим аъзолари 20 миллион сўм даромад кўришди. Ваҳоланки, бутун бошли Бобур номли ширкатлар уюшмасида эса 700 минг сўм даромад қилинганди.


Шу боис Зарим Якубовни шу хўжаликни бошқаришга таклиф этишди. Хўжалик меҳнаткашлари бу йил 1681 гектар майдонга чигит экиб, ғўзаларни астойдил парваришламоқдалар. Уларнинг нияти—ҳар гектар майдондан 22,4 центнердан зиёд ҳосил йиғиштириш.

Юқоридаги суратда: ширкатлар уюшмаси раиси З. Якубов, сувчи Д. Сотволдиев, бош иқтисодчи Б. Ўлжабоев.

Шароф Рашидов районидаги Узоқов номли давлат хўжалигида ака-ука Бекмуродовлар меҳнат қилишади. Ака-ука ларнинг нияти—бу йил мўл ҳосил кўтариб, халқимизни шод этиш.

Пастдаги суратда: ака-ука, Равшан, Шоднёр, Дилшод ва Омон Бекмуродовлар.

Н. АЛМУРОДОВ олган суратлар.



• *Дил қувончлари*

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР МИННАТДОР

Ховос темир йўли станцияси республикамиздаги энг қадимий ва йирик бекатлардан биридир. Мирзачўл ерларини ўзлаштириш, вилоят иқтисодини ривожлантириш, истиқлол қудратини оширишда темирйўлчиларнинг ҳам катта улушлари бор.

Истиқлол юртимизга қандай ўзгаришлар олиб келаётганини биргина бизнинг темир йўл станцияси ҳамда вилоятимиз, қўшни вилоятлар ҳудудларида рўй бераётган янгиликлардан ҳам билса бўлади. Мана шулардан баъзилари: шу йилнинг 1 май кунидан бошлаб Ховос — Андижон пассажир поезди қатнай бошлади. Бу нафақат бизнинг вилоятимиз, балки бутун республикамиздаги катта воқеалардан, дейиш мумкин. Фарғона водийси билан Сирдарё ва Жиззах вилоятлари — азалдан ўзаро серқатновдир. Сўнгги йилларда халқимизнинг транспорт хизматига ошиб бораётган эҳтиёжларини қондириш ишларида оз бўлсада танглик сезила бошланган эди. Ховос — Андижон пассажир поездининг қатнай бошлаши бу тангликни бартараф этишга, жумҳуриятимизнинг икки йирик воҳаси ўртасидаги иқтисодий, маданий-маиший алоқаларни янада ривожлантириш ишига хизмат қилаётир.

Яна бир қувонарли янгилик шундан иборатки, республикамиз истиқлоли байрами арафасида Ховос—Бекобод электр поезди қатнай бошлади. Бу масофа бўйича техник синовлар июль ойининг ўрталарида муваффақиятли ўтказилди, 40 километр масофага чўзилган темир йўли бўйлаб электр поезди юра бошлади. Бу ҳам Тошкент вилоятининг йирик саноат марказларидан бўлган Бекобод шаҳри билан Сирдарё вилоятининг Ховос станцияси, унинг ёнгинасида жойлашган қўриқ воҳа саноатчилари маскани Янгиер, қолаверса икки қўриқ вилоят—Жиззах билан Сирдарё вилоятларини қўшни Тошкент вилояти билан транспорт алоқасини ривожлантириш ишига хизмат қилаётир.

Учинчи катта бир янгилик — истиқлол байрами кунлари, яъни 1 сентябрга қадар Ховос — Жиззах темир йўли бўйлаб электр поездлари юра бошлайди. Деярли 90 километрли масофада темир йўл ҳаракатининг бу қадар тез фурсатларда электр қувватига кўчирилиши таҳсинга лойиқ ишдир. Истиқлол бераётган бундай янгиликлардан шодланмай, келажакка эса янада катта умидлар боғламай бўладими?

Келдиёр ҚАРШИЕВ,
Ховос темир йўли станциясининг бошлиғи, вилоят Кенгашининг депутати.

• *Қадриятларимиз*

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН УДУМЛАР

Яхшиликка, эзгуликка юз бураётганимиз ҳар бир кунда кўзга ташланади. Атрофимизда бу борада шундай ажойиб хайрли ишлар, тадбирлар амалга ошмоқдаки, ҳаяжонланмай бўлмайди. Мана, оддий бир мисол. Яқиндагина совға-саломлар дўконлари пештахталарида ҳеч кимнинг назарига илинмай, чанг босиб ётадиган, каштолари, зар ипаклари, минг жило бериб товланадиган зардўзи дўппилар бугун келин бўлғуси қизларнинг сепидаги энг ноёб буюм саналади. Келинчаклар, «келин салом»га шу дўппиларда чиққанларида, уларнинг ҳусни янада очилиб кетади. Бугун «Ёр-ёр», «Келин салом» ва ўланлар, байт-барак айтишувлар, «Гул базми», «Мушоира»ларни эшитиб, юраклар бир энтикиб тушади. Гулистон шаҳрида миллий қадриятларни тиклаш, тарғиб қилиш борасида анчагина ишлар қилинмоқда.

Яқинда Алишер Навоий номли вилоят кутубхонасида вилоят хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси билан ўтказилган «Қайнонам — онам менинг, «келиним — болам менинг» деб номланган бадиий мусиқали кеча кўпчиликка манзур бўлди.

Холида ПАРДАБОЕВА,
вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳайъати аъзоси.

• *Назм дафтаридан*

ЮРТ БОШИГА ХУМОЛАР ҚАЙТДИ

Сир бўйида кўҳна Турон қовжиради, чўлади,
Эл кўнглига ҳурлик деган мужда насиб бўлмади,
Минг шукрким, Темур руҳи авлодларни қўллади,
Мустабидлик салтанати узлат узра қулади,
Минг шукрким тупроғингда ўз ҳосилинг гуллади,
Тинмаган жоним — Ўзбекистоним.

Бу элга шону-шавкатлар, маънолар қайтдилар бул кун,
Унут ул кўҳна мозийдан садолар қайтдилар бул кун,
Тарихга тил кириб не-не даҳолар қайтдилар бул кун.
Кетмас бўлиб юрт бошига хумолар қайтдилар бул кун
Қутлаб кўнгилни хушхон саболар айтдилар бул кун
Сўнмаган шоним — Ўзбекистоним.

Шу тупроққа, шу гулшанга азиз умри атолар бор,
Шу тупроққа жон риштаси билан боғлиқ фидолар бор,
Она халқим, тарихингда қанча армон, хатолар бор,
Не-не фарзандларинг бағрн ёниб қилган нидолар бор,
Чўлпонларинг, Усмонларинг айтолмаган видолар бор,
Кўҳна армоним — Ўзбекистоним.

Юртим — мустақиллик йўлинг нурафшону нурлик бўлсин.
Пешонангга ёзилган сўз саодату ҳурлик бўлсин,
Ёруғ кунга кўзин тиккан фарзандинг ғурурлик бўлсин
Офтобдан нурли, мунаввар тонгларинг сурурлик бўлсин
Сани ҳурликка етқурган иттифоқлик, бирлик бўлсин
Кўҳна Туроним — Ўзбекистоним.

Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА.

• ФАХРИЙЛАР ЭЪТИРОФИ

ПОЙДЕВОР

Бизлар урушдан кейинги оғир йилларда эл-юрт даъвати билан Фориш қирларидан Мирзачўлга, аниқроғи Сир соҳилидаги жойларга кўчиб келган эдик. Асли касбимиз чорвадор бўлган элат бу ерга келиб деҳқончилик маҳоратини эгалладик, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирдик, уларни обод қилдик.

Сўнгги йигирма-йигирма беш йиллик давр мобайнида бор кучимизни ишга солиб, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга уриндик. Натижада чор-ночор қурилган уйлар, эски кулбалар ўрнида бизлар ўзимизча «Қуёш» деб аталган замонавий қишлоқ пайдо бўлдики, эндиликда ўйлаб қарасак, ўз вақтида зўр иш қилган эканмиз. Бу — бутун қишлоқ аҳлининг гапи. Икки қаватли, барча қулайликларига эга бўлган, кенг ховлилари ,бошқа қурилмалари бор замонавий уйлар, замонавий мактаб, маданий-маърифий бинолар, кенг ва чиройяи йўллар, сал кам 40 гектардан ортадиган иссиқхона хўжалиги....

Бу йилги оғир шароитларга қарамай, жамоа хўжалигимиз барча соҳалар бўйича ибратли ишларни амалга оширмоқда. 1,5 минг гектар ердаги ғўзаларимиз яхши ривожланмоқда. Камида 28 центнердан пахта ҳосили олиш ниятидамиз. Ғаллани икки ҳисса оширганмиз, қолган соҳалар ҳам чакки эмас. Хуллас, барчамизнинг ниятимиз — юртимизни бойитиб, бу оғир ва серташвиш йўлларни ортда қолдириб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини таъминлашдир.

Қўзибоқар СИНДОРОВ,
Сирдарё районидаги «Синдоробод» жамоа хўжалиги раиси, Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор.

• *ОНА—ТАБИАТ*

ОППОҚ ТОНГЛАР САОДАТИ

Рости, табиатни дилдан севишни ҳам унутиб қўйган эканмиз, бутун меҳр туйғуларимиз қозонларга кўчган экану, амалда ҳамма нарсага бир кўз билан, яъни бефарқлик пардасидан қарайдиган бўлиб қолган эканмиз. Истиқлол она-табиатга бошқача, яъни эгалик кўзи билан қарашга ўргатмоқда.

Вилоятимизни қўриқ воҳа, деб атайдилар. Бу тўғри. Лекин унинг шундай ажойиб табиати борки, унда гўзал диёримизнинг деярли барча фазилатлари намоён бўлади.. Гулистон, Сайхунобод, Сирдарё туманлари этакларини Сирдарё сувлари ювиб ўтади. Ховос ўлкаси қир ва адирларида бахтимизга ҳали ҳам қуримаган булоқлар оз эмас.

Табиат қўриқчилари сўнгги икки йиллик давр мобайнида вилоятимиздаги 1615 та иншоотни назоратдан ўтказишиб, 1017 та тадбирни амалга оширдилар. Шунингдек, фақат жорий йилнинг биринчи ярмида 40 миллион сўмликдан ортиқ ишлар бажарилиб, Она-табиатга етказилаётган зарар турлари анчагина камайтирилди. Ховос туманида 3,2 гектар майдонга 13 минг 800 та терак кўчати ўтказилиб, янги ўрмон ташкил этилди. Мирзаободда тупроқ эррозиясини сақлаш мақсадида 10 гектар майдонга терак, қайрағоч, тут кўчатлари ўтказилиб, иҳотазорлар барпо этилди.

Аждодларимизнинг улуғ анъаналарини давом эттира оладиган маънавияти бутун, маърифатли, жисмоний жиҳатдан бақувват авлод келажакда Ўзбекистонда яшайди. Шунинг учун ҳам вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида олиб борилаётган ишлар асосан ижтимоий-экологик йўналишларга қаратилаётир.

Абдулла НОРМУРОДОВ,
Сирдарё вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг бош мутахассиси.

Саҳифа материалларини «Ўзбекистон овози» мухбирлари Абдужалил УМАРОВ ва Исмоил СУЛАЙМОНОВ тайёрладилар.

дунёликлар Воқеалар хабарлар

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

ЖОҲАР ДУДАЕВГА СУИҚАСД ҚИЛИНДИ

● Чечен Республикаси пойтахти Грозныйда ўтган шанба туни Президент Жоҳар Дудаевга суиқасд қилинди.

Номаълум кишилар ҳукумат ўйининг Президент кабинети жойлашган 9-қаватини ўққа тутдилар. Бу суиқасд оқибатида икки қўриқчи яраланди. Ж. Дудаев эса жабрланган йўқ. Шу куни республика ички ишлар вазирлиги биноси ҳам ўққа тутилди.

Қонунни ҳимоя қилувчи органлар бу Грозный шаҳар кенгашининг айни пайтда қидирилаётган собиқ раиси Беслан Гантимиров тарафдорларининг иши, деб тахмин қилмоқдалар. Ж. Дудаев эса ҳеч қандай жангарилик уни белгиланган йўлдан қайтаролмаслигини яна бир карра таъкидлади.

БМТ КУЗАТУВЧИЛАРИ ТБИЛИСИДА

● Ўтган якшанба куни тўққиз кишидан иборат БМТ кузатувчилари Грузия пойтахти — Тбилисига етиб келди.

Улар Абхазияда ўт очишни тўхтатиш юзасидан эришилган битимга риоя этилишини назорат қиладилар. Келишувга биноан бу ерга БМТнинг 50 нафар кузатувчиси ташриф буюради. Бироқ, Грузия улар уч ҳисса кўпроқ бўлишини талаб қилмоқда.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

● Қозоғистон ҳукумати Тожикистоннинг Тоғли Бадахшон вилоятида аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш ўта мушкул вазиятга тушиб қолганини инобатга олиб, у ерга дарҳол инсонпарварлик ёрдами жўнатишга қарор қилди.

Тожикистоннинг жабрдийда аҳолисига икки вагон ун, 26 тонна шакар, ўсимлик ва мол ёғи, макарон маҳсулотлари, чой, ўттиз минг шартли банка гўштли консерва ва бошқа маҳсулотлар жўнатилади. Бу маҳсулотлар дастлаб осойишталикни таъминлашга кўмаклашаётган қозоғистонлик аскарлар жойлашиб турган туманга олиб борилади, сўнгра у ердан белгиланган жойга етказилади.

А. ИЗЗАТБЕГОВИЧНИНГ ТАЛАБИ

● Босния ва Герцеговина президиуми раиси, мусулмон жамоаси раҳбари А. Иззатбегович серблар Сараево яқинидаги стратегик жиҳатдан муҳим бўлган Игман ва Белашница тепаликларидан ўз аскарларини олиб чиқиб кетиш мажбуриятини бажармади, — деб айтди. — Усиз мусулмон делегацияси Женевадаги музокараларга қайта олмайди.

А. Иззатбегович юқоридаги талаб бажарилиши учун жаҳон жамоатчилигини серб кучларига таъсир ўтказишга чақирди.

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЭЪТИРОФИ

● Билл Клинтон Вашингтонда журналистларга АҚШ Югославияда Ироқдагидек фаол ҳаракат қилолмаслигини билдирди.

«У ерда бизнинг қуруқликда ҳаракат қилуви кучларимиз йўқ. Ироқдагидек вазият ҳам мавжуд эмас, — деди Президент. — Бироқ, бу масалада Натодаги иттифоқчиларимиз бизни ёқлаганлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кескинроқ чоралар кўриш ҳақидаги ниятини амалга оширишимизга мойллиги яхши янгиликдир».

СНЕГУР ПАРЛАМЕНТИНИНГ ТАРҚАТИЛИШИНИ ЁҚЛАМОҚДА

● Молдова Президенти Мирча Снегур ўтган ҳафтада мамлакатнинг МДҲга қўшилиш ҳақидаги Минск битимини ратификация қилишга қарши овоз берган парламент аъзолар хато қилганларини айтди.

Зеро, улар бу ҳаракатни оқлаш учун бирорта ҳам асос келтирмадилар.

Президентнинг матбуот хизмати хабарига қараганда, Мирча Снегур праламентнинг тарқатиб юборилишини талаб қилаётган депутатларни ёқламоқда. Президент, фақат янги парламентгина Молдованинг шарқий районлари ва гагаузлар гавжум яшайдиган жойлар мақомини белгилаш масаласини кўриб чиқишга қодир деб — ҳисоблаётир.

НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯ ОЧИЛДИ

● Таллинда Эстония давлат мажлисининг навбатдан ташқари сессияси очилди.

Унда шу йилнинг октябрь ойида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига бўладиган сайлов билан боғлиқ масалалар кўрилиши кўзда тутилмоқда. Бироқ ҳозиргача сайловолди компаниясини молиявий жиҳатдан таъминлаш муаммолари ҳал этилмаган. Бунинг устига ҳокимиятнинг баъзи қуйи звенолари вазифаси белгиланмаган. Сайловларда республикада доимий яшайдиган чет элликларнинг иштирок этиши учун уларни рўйхатга олиш муддати кечиктирилиши кўзда тутилаётир. Июль ойида қабул қилинган қонунга кўра Эстония фуқароси бўлмаган доимий яшайдиган аҳолининг ҳаммаси шу жумлага киради.

ФИШЕР ВЕНГРИЯДА ПАЙДО БЎЛДИ

● Машҳур Америкалик шахматчи Бобби Фишер жаҳон собиқ чемпиони Бордис Спасский устидан қозонган ғалабасидан сўнг ҳозир Венгрияда яшамоқда.

Эллик ёшли Фишер таниқли опа-сингил шахматчилар Жужа, София ва Юдитларнинг отаси Ласло Полгар хонадонида меҳмон бўлиб турибди. Бу ҳақда Венгрия телевидениеси маълумот берди.

КОМЕНДАНТЛИК СОАТИ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ

● Шимолий Осетиянинг пойтахти яқинидаги Чермен қишлоғида якшанба кунидан бошлаб комендантлик соати жорий қилинди.

Хабарларга қараганда, ҳудудда аҳвол ёмонлашиб кетган, портловчи, ўқ отиш қуролларидан фойдаланиш кўпайган. Муваққат маъмурият раҳбари вазифасини бажарувчи генерал-полковник Юрий Шаталиннинг фикрича, муваққат маъмурият раҳбари Виктор Поляничконинг ўлимидан сўнг аҳвол кескинлашган, бунинг оқибати ўлароқ, Россия Федерацияси қуролли кучлари ва ички ишлар вазирлигининг 32 вакили ҳалок бўлган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

янгиликлар Воқеалар хабарлар

● БОҚИЙ ШАЖАРА

ОҚҚАН ДАРЁ ОҚМАЙ ҚОЛМАС

(ИККИНЧИ МАҚОЛА)

МИЛОДИЙ VI аср ўрталарида Марказий Осиёнинг Олтой қисмида янги бир давлат бирлиги — Турк ҳоқонлиги юзага келди. Минтақанинг қолган жойларида бу вақтда эфталитлар (ғарбда Каспийгача, жанубда Шимолий Ҳиндистонгача), сосонийлар (Шарқий Эрон) ҳукмронлик қилар эдилар. Кундан-кунга ҳарбий қудрати ошиб борган ҳоқонлик учун ён-атроф ерларни ўз тасарруфига олиш иши ҳеч нарса бўлмай қолади. Тез орада Турк ҳоқонлиги асли Марказий Осиёдан ташқари шарқда Тинч океани, ғарбда Қора денгизгача бўлган улкан ҳудудни ўзига бўйсундиришга муваффақ бўлади. Жумладан, эфталитлар ҳукмронлигига чек қўйилиши 563—567-йиллари содир бўлди. Ғарбда Эрон, шарқда Хитой билан бўлган зиддиятлар ҳамда ички ҳаётдаги баъзи бир ўзгаришлар аввалига (VI асрнинг 80-йиллари) ҳоқонликнинг иккига бўлинишига (шарқий ва ғарбий ҳоқонликларга), кейинчалик эса (VII асрнинг иккинчи ярмида) ғарбий ҳоқонликнинг сиёсий жиҳатдан ўта заифлашиб қолишига олиб келди. Бу ўз ўрнида ўлканинг дастлаб бир муддат Хитойга, сўнгра бир неча аср мобайнида Араб халифалигига қарамликка тушиб қолишига сабаб бўлди. Араб босқинчиларига қарши кураш VIII аср ўрталаригача давом этди. Манбаларда келтирилган гувоҳликларга кўра аждодларимиз ҳар бир қарич ер учун кураш олиб борганлар. Келгинди тажовузкорларга қарши ҳаракатлар ўлка тамоман халифаликка бўйсундирилганидан кейин ҳам тўхтагани йўқ. IX аср охирлари —X аср бошида эса маҳаллий сомонийлар сулоласи сардори Исмоил саъй-ҳаракатлари билан сиёсий мустақиллик қайта тикланди. Исмоил ўлкани сиёсий жиҳатдан бирлаштириш, марказий ҳокимият идоралари фаолиятини изчиллик билан йўлга қўйиш, ҳарбий кучни ҳар томондан кучайтириш тадбирларига катта эътибор берди. Бундан ташқари, сомонийлар мамлакат, кейинчалик тамом минтақада ҳукмронлик қилган даврларида деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ишларини жадаллаштириш йўлида муҳим тадбирлар кўрилди. Фан ва маданият тараққиёти соҳасида ҳам ғамхўрликлар амалга оширилдики, бунинг натижаси ўлароқ ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Рудакий каби даҳолар етишиб чиқди, меъморчилик, тасвирий санъатда юқори кўрсаткичларга эришилди.

X аср бошларида сомонийлар салтанатининг шарқида, Марказий Осиёнинг Еттисув ва Кошғар қисмида сиёсий ҳокимият қорахонийлар хонадони қўлига ўтиши билан янги давлат бирлиги Қорахонийлар салтанатига асос солинади. Қорахонийлар ва сомонийлар ўртасида минтақа маркази учун олиб борилган бир неча йиллик кураш XI аср бошларида қорахонийлар устунлиги билан тугайди. Қорахонийлар Амударёгача бўлган ерларни ўз ҳукмлари остига оладилар. Амударёдан жанубдаги ҳудудда эса худди шу вақтда сиёсий майдонга чиққан бошқа бир давлат бирлиги ғазнавийлар ҳукмронлик қила бошлайдилар. Ўз вақтида сомонийларнинг Ғазна ва Ҳирот вилоятларини ўз ичига олган ерлардаги ноиби бўлган Сабуктакиннинг ўғли Маҳмуд юксакликка кўтарган бу сулола тамом Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон, шимолий-шарқий Эрон ерларини ўз ичига олган ҳудудда ҳукмронлик қила бошлади. Икки сулола келишувига биноан Амударё оралиқ чегара ҳисоблана бошлади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, сомонийлар инқирозидан сўнг минтақанинг энг қадимий қисмларидан Хоразм ҳар икки сулола таъсиридан ташқарида бир муддат мустақил сиёсат юргизиш имконига эга бўлади. Аммо 1017-йили Маҳмуд Ғазнавий усталик билан Хоразмни ўзига бўйсундиради. Ғазнавийлар ҳукмронлиги XI аср ўрталаригача давом этиб, асли келиб чиқиши Марказий Осиёнинг Сирдарёнинг қуйи оқимларидан бўлмиш салжуқийлар қўшини билан Хуросонда (1040-йил) юз берган тўқнашувдан сўнг улар илгариги мавқеларини бутунлай йўқотадилар ва Афғонистоннинг бир қисми ҳамда Панжоб вилояти бошқаруви билан чегараланиб қоладилар, холос.

Қорахонийлар эса XI аср иккинчи ярмидан бошлаб қудратли салжуқийлар таъсири туфайли Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Бухородаги илгариги мавқеларини йўқотиб, асосан Еттисув ва Қошғар ҳукмронлигинигина сақлаб қоладилар. Салжуқийлар эса бу вақтда Кичик Осиёдан Қошғаргача бўлган ерлар тизимини ўз қўлларида тутиб турган дунёдаги энг қудратли сиёсий куч ҳисобланар эдилар.

XII асрга келиб қорахонийлар Узоқ Шарқдан минтақага кириб келган қорахитойлар зарби остида ўз сиёсий фаолиятларига нуқта қўядилар. Ғарбга томон илдамлаган қорахитойлар XII аср ўрталарида Самарқанд атрофида салжуқийлар қўшинига шундай қақшатқич зарба берадиларки, шундан кейин салжуқийлар ўзларига келолмайдилар.

Бундан фойдаланган Хоразм яна мустақил сиёсат юргизиш йўлига ўтади. Хоразмшоҳлар уддабуронлик ила олиб борган сиёсатлари туфайли XII аср охирларида тамом Шарқий Эронни бўйсундиришга муваффақ бўладилар. Сўнг эса Кошғаргача бўлган ерларни қорахитойлардан халос этадилар. XIII аср йигирманчи йилларига келиб хоразмшоҳлар Кашмирдан Ироққача бўлган ҳудудни ўз ҳукмларида тутиб турган энг қудратли давлат ҳисобланар эдилар.

XIII аср бошларида Марказий Осиёнинг бошқа бир қисми — Мўғулистонда Чингизхон асос солган янги давлат бирлиги юзага келади. Кези келганда шуни қайд этиб ўтиш лозимки, Чингизхон ва у асос солган салтанатга нисбатан ишлатиб келинадиган «мўғул» атамаси ўз вақтида Чингизхон ташаббуси билан кенг муомалага киритилиб, расмий мазмун касб этиб келган. Ўрта аср манбаларининг Чингизхон хуружи ва унинг ҳарбий юришлари билан боғлиқ қисмларида уларга нисбатан кўпроқ татарлар номи истифода этилади. Татарлар эса аслида Бойкўлдан жанубий-шарқда яшаган кўп сонли қабилалар бўлиб, Ўрхун ёзувига (VIII аср) кўра ўттиз татар, тўққиз татар иттифоқлари (уюшмалари) мавжуд бўлган. X—XI аср манбаларига кўра татарлар туркий қабилалар жумласидан ҳисобланади. Чингизийларнинг ғарбга томон ҳаракати натижасида татар тушунчаси бу томонларга ҳам тарқаган.

Қисқаси, XIII аср дастлабки ўн йилликларида Марказий Осиёда икки катта куч: хоразмшоҳлар ва чингизийлар мавжуд эди. Улар ўртасида минтақада яккаҳукмронлик ўрнатиш учун кураш бўлишига ҳеч бир шубҳа қилмаса ҳам бўларди. Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг ноуддабуронлиги туфайли 1221-йилдаёқ чингизийлар Мовароуннаҳр устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга муваффақ бўладилар. Чингизийлар ғарбга томон ҳаракат қилиб Болтиқбўйи ҳамда Ўртаер денгизигача бўлган улкан ҳудудни ҳам ўзларига тобе қиладилар. Чингизийлар ҳукмронлиги 150 йил давом этди. Унга чек қўйган Амур Темур бўлди. 1370 йили темурийлар салтанатига асос солинди, давлат мустақиллиги қайта тикланди. Биз қуйида Амир Темурнинг минтақа, умуман Марказий Осиё қолаверса умумтараққиётда тутган тарихий ролининг айрим қирраларига диққатни жалб этмоқчимиз:

1. Мамлакатда сиёсий мустақиллик таъминланди, минтақада яратувчиликка сиёсий раҳнамо бўлишда объектив равишда ноқодир, улкан тарихий-маданий ҳудудда равнақ йўлини тутиш ишига ноқобил сиёсий ҳокимият фаолиятига чек қўйилди;

2. Мамлакат ва умуман минтақа сиёсий яхлитлигини амалда таъминлашга эришилди;

3. Мамлакат ва умуман минтақани ҳар жиҳатдан ривож топтиришда муҳим омил бўлган ҳар томонлама пухта, ўз даври учун илғор ҳисобланмиш сиёсий бошқарув — давлат тизими барпо этилди;

4. Сиёсий барқарорлик, тегишли давлат тизимининг умумманфаат йўлида ишлаб туриши ижтимоий-иқтисодий ҳаётда муҳим бурилишига олиб келди;

5. Ўлка ва маълум маънода умумминтақа ободончилиги ва маъмурчилигига алоҳида эътибор берилди;

6. Фан ва маданият тараққиёти учун қулай шарт-шароит яратилди;

7. Халқаро муносабатларда мамлакат обрў-эътибори тикланди. Бутун жаҳон Темур фаолияти орқали ўлка мавқеига тан берди;

8. Мутлақ тарихий-маданий тараққиёт нуқтаи назаридан Темур ўлканинг ички ва ташқи имкониятлари 150 йиллик тушкунликка қарамай нималарга қодир эканлигини кўрсатди, тегишли сиёсат йўли билан бу имкониятларни равнақнинг қандай даражасига кўтариш мумкинлиги исботлади.

Темур вафотидан сўнг (1405) салтанатда ҳокимият учун кураш бошланди. Минтақа сиёсий тарихига хос бўлганидек темурийлар ҳам сиёсий бошқарувдаги ворислик масаласини мақсадга мувофиқ равишда ҳал этишга ночорлик қилдилар. Оралиқдаги нисбий барқарорликка қарамай ички зиддиятлар XV аср охирларига келиб темурийларни сиёсий куч сифатида анча заифлашишга олиб келганди. Бундан фойдаланган Марказий Осиёнинг тарихий Дашти қипчоқ шарқий қисмида ўз сиёсатини юргизиб келаётган шайбонийлар темурийларга зарба бериб шарқий Эронгача бўлган ерларни бўйсундириб олдилар. Шу вақтда темурийлар салтанатининг ғарбий қисмида (Эрон ва Озарбайжон) Сафавийлар давлати юзага келади.

ШАЙБОНИЙЛАР ЎРТАСИДАГИ ички низолар, Сафавийлар билан Хуросон учун олиб борилган оғир жанглар улар мавқеини ҳам бўшаштириб борарди. Гарчи шайбоний Абдуллахон даврида (1557—1598) ички ва ташқи сиёсатда бир қатор жиддий ижобий ўзгаришлар юз бериб, марказий ҳокимият фаолияти мустаҳкамланиб, мамлакат, минтақада қатъий тартиб ўрнатиш тадбирлари олиб борилган бўлса-да, аммо унинг ўлимидан сўнг кўп ҳам ўтмай шайбонийлар сиёсий бошқарувни янги сулола—аштархонийларга (1601) беришга мажбур бўладилар. Аштархонийлар даврида ҳам ички ва ташқи сиёсатда бирон-бир зўр ижобий ўзгаришга эришилмади ҳисоб. Бундай иложсизлик аҳволини Марказий Осиёнинг бошқа қисмларида ҳам кузатиш мумкин эди. XVI аср 10-йиллардаёқ мустақил бўлиб олган Хоразм (Хива хонлиги) мавқеи ҳам бундан яхши эмасди. XVI аср бошларидан мустақиллик йўлига кирган Қозоқ хонлиги (Еттисув) ва унинг кейинги таркибий қисмлари Катта, Ўрта, Кичик жузлар ғарбдаги Русия таъсирига ўзлари билмаган ҳолда тушиб борардилар. XVII аср 30-йилларида Шарқий Туркистоннинг шимолий қисми ҳамда асли Мўғулистоннинг ғарбий қисмида асос топган Жунғор (Ойрот), XVI асрда ундан жанубда барпо бўлган Ёркенд хонликлари ҳам ички ва ташқи низолар остида яшаб келар эдилар.

XVIII аср бошларига келиб эса Мовароуннаҳрда яна бир бўлиниш юз беради. Фарғонада минглар сулоласи мустақил Қўқон хонлигига асос соладилар. Хуллас, XVIII асрнинг 30-йилларида Эронда туркманларнинг афшар қабиласидан бўлмиш Нодиршоҳ тахтга чиқиб тез орада Амударёнинг ўнг соҳилига бостириб кирганида ўлкада уч тарқоқ сиёсий бирлик: Хива, аштархонийлар бошқараётган Бухоро ҳамда Қўқон хонликлари мавжуд эди. Нодиршоҳнинг Бухорога ҳарбий юриши аштархонийлар тақдирини ҳал қилди. Бухоро янги сиёсий сулола—манғитлар қўлига ўтди. Бухоро хонлигининг жанубий қисми бўлиб келган шимолий Афғонистон ерлари Аҳмадшоҳ Дурроний бошлиқ дурронийлар қўлига ўтди (1747). Шундай қилиб XIX асрга қадам қўйиш арафасида ўлкада, умуман Марказий Осиёда сиёсий тарқоқлик аҳволи ҳукмфармо эди.

«Дарахтнинг бўшини қурт ейди» деганларидек, табиий, иқтисодий, маданий, жуғрофий имкониятлари бой бўлган улкан ҳудуд бу вақтда ҳарбий-сиёсий, иқтисодий жиҳатлардан кучга тўлиб турган Русия, Англия каби давлатларнинг бу ерлардан «ўз манфаатларини» қидириш манбаига айланди.

XIX асрда Марказий Осиёнинг Жанубий қисми Афғонистон инглизларга қарши мустақиллик учун курашди ва натижада ўз истиқлолини сақлаб қололди. Аммо Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган уч ўзбек хонликлари ўзаро уюшмаганликлари, тор сиёсий манфаатларини умумминтақа, умумтарих, умуммаданият, умуммаънавият, умумдавлатчилик асосларидан устун қўйганликлари бош сабаб бўлиб ўлка 125 йил давомида Русия салтанатига қарамлик аҳволига тушиб қолди. Мустамлакачилик даврида кечган воқеалар бугун кўпчиликка маълум.

XX аср 80-йилларининг ўрталарига келиб салтанатни 1917 йилдан бошлаб бошқариб келаётган қизиллар раҳбарлигига салтанатнинг бундан буёнги барҳаётлиги иқтисодий соҳада жиддий ўзгаришларсиз мумкин эмаслигини тушуниб етган раҳбарлар келди. Шу вақтдан бошлаб салтанат ўзининг сўнгги «перестройка» ва у билан боғлиқ кечган ижтимоий-сиёсий ва миллий-истиқлол учун курашлар даврига қадам қўйди. Шу чоққача салтанатда юргизиб келинган бош сиёсий йўл ҳаётнинг барча соҳаларини шунчалар қамраб олган эдики, мўлжалдаги иқтисодий ислоҳотлар амалдаги ижтимоий-сиёсий муносабатларда баъзи бир чекинишларсиз рўёбга чиқмаслиги маълум бўлиб қолди. Ижтимоий-сиёсий масалаларда ён беришлар ўз навбатида салтанатнинг бош мазмуни миллий ўлкалар устидан ҳукмронлик масаласини ўртага ташлади. Ҳар бир миллий ўлка ўз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, жуғрофий, маънавий аҳволидан келиб чиқиб турли шаклларда миллий истиқлол учун курашни бошлаб юборди. Дунёдаги энг катта ва кучли армия, энг нуфузли ва сертармоқ жазо идоралари, миллатларни, кишиларни, турли ижтимоий гуруҳларни бир-бирига қарама-қарши қилиш, миллатнинг илғор, қўлидан иш келадиган, ақли-заковати ғоя элтувчи намояндаларини турли йўллар билан бадном этиш (масалан «ўзбеклар иши»), «сопини ўзидан чиқариш»да устаси фаранг, тажрибали салтанат устунлари мавжудлиги шарт-шароитида Марказий Осиёнинг салтанат тасарруфига тушган қисми — юраги ҳам озодлик йўлида энг мақбул йўлни танлади ва пировардида бу йўл ўзини оқлади. Бу йўлга раҳнамолик қилиш XX аср 20-йилларида минтақани қўл-оёқсиз қилиш учун амалга оширилган тадбир—тарихий-маданий жиҳатдан бир бутун ўлкани бешга бўлиб юборишдан сўнг юзага келган Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон жумҳуриятлари орасидан Ўзбекистон бўйнига тушганини бугун ҳеч ким инкор этолмайди. Икки ярим минг йилдан ортиқ давлатчилик ўтмиши давомида аҳамонийлар, юнонлар, араблар, мўғуллар истилосига қарши курашлар сарчашмаси, илҳомчиси, суянчиғи бўлган қадимда Хоразм—Суғдиёна—Бактрия, ўрта асрларда Моварунаҳр, энди эса Ўзбекистон бу сафар ҳам ўз тарихий бурчини шараф-ла адо этди. 1991-йил ёзининг сўнгги кунида давлат мустақиллиги эълон қилинди. Шундан сўнг Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистонлар ҳам ўз сиёсий мустақилликларини таъминладилар.

Шундай қилиб биз асосан ўлкамиз ҳамда умуман Марказий Осиёнинг милоддан аввалги 1-минг йиллик ўрталаридан то шу кунларгача кечган давлатчилигининг тараққиёти йўлини қуриб чиқдик. Бунда асосий эътибор табиий равишда сиёсий ўзгаришларга қаратилди. Зеро, ҳар қандай жамиятнинг тарихий-маданий равнақи, аҳволи унинг ички ва ташқи имкониятларини умумманфаат йўлида рўёбга чиқаришга қодир ва масъул сиёсий ҳокимият — давлат, давлатчилик даражаси билан белгиланади. Давлатчиликнинг асослари ўзгармас бўлади. Унинг устида қурилган ҳар қандай сиёсий ҳокимият охир оқибатда у ёки бу сифат кўринишида унгагина боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам мазкур 2500 йилдан ортиқ давлатчилик тарихий йўли бу Она-заминимизнинг бугунги номи Ўзбекистон давлатчилиги йўлидир. Кушонийлар, сомонийлар, темурийлар ва бошқа қатор сиёсий сулолалар, кучлар, бугунги таъбир билан айтганда, сиёсий партиялар ана шу давлатчилик асослари — тизгинини бошқарув ишига даъвогарлик қилганлардир, холос. Шунинг учун ҳам биз шу кунларда умумтарихий тараққиётимиз нуқтаи назарида бирларини намуна, иккинчиларини сабоқ тарзида ўргатамиз, кўрсатамиз.

Нима бўлганда ҳам биз ҳар жиҳатдан намунали, қатор тарихий анъаналарга бой, ҳозирда маънавий далда, таянч бўлувчи, ўз кучимиз, имкониятларимизга ишонч, келажакка умид бағишловчи 2500 йилдан зиёд буюк давлатчилик тарихига эгамиз.

Ёзувчилар билан бўлган учрашувда Президентимиз: «Биласизларми, Мустақиллик майдонидаги бино — Ҳукумат уйи пойдевори қанчалик чуқур?» деган саволни ўртага ташладилар ва ўзлари жавоб бериб: «Бинонинг устки қисми қанчалик бўлса, пойдевори ҳам шунчалик, акс ҳолда бино қулайди. Биз бунёд этмоқчи бўлган буюк давлат албатта бўлади, чунки унинг пойдевори, чуқур буюкдир» мазмунидаги сўзларни айтдилар. Ҳақиқатан келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг буюк ва чуқур тарихий илдизлари бор. Бу буюкликнинг ўтмиши Марказий Осиё уйимизга қанчалик сернаф бўлиб келган бўлса, келажаги ҳам шу қадар сермазмун бўлишига ҳеч бир шубҳа йўқ.

Азамат ЗИЁ,
Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Хўш, булар қандай ҳужжатлар эди?

Суд мажлисларида чуқур таҳлил қилинган бу ҳужжатларга судланувчиларнинг муносабати ҳам аниқланди.

Мана, улардан бири, яъни — «Халқ дипломатияси уюшмаси», «Бирлик» халқ ҳаракати, «Эрк» демократик партияси, «Ўзбекистон озод деҳқонлар партияси» ва «Туркистон халқ ҳаракати» томонидан тузилган Ўзбекистон демократик кучларининг «Миллий мажлис» тузиш тўғрисида битими. «Битим» атиги учта моддадан иборат бўлса-да, шунинг ўзи ҳам судланувчиларни ғайриконституцион йўл билан фитна уюштириб, ҳокимиятни қўлга олишда айблаш учун етарли асос бўлади.

Келинг, мазкур ҳужжатларни таҳлил қилайлик.

Битимнинг биринчи моддасида, тўғрироғи, фитна йўли билан уюштирилган жиноий ҳужжатда қуйидагилар ёзилган: «Мустақил фаолият кўрсатувчи ва қонун-лойиҳа ишлаб чиқиш ваколатларига эга бўлган миллий мажлис таъсис этиш».

Бунинг маъноси нима? Агар биз тўғри ўқий билсак, унинг маъноси фақат битта, яъни ғайрқонуний йўл билан мустақил қонун-лойиҳа ишлаб чиқиш ваколатига эга бўлган янги парламент тузиш ва ҳокимиятни эгаллаш демакдир. Бундан бошқача талқин қилиш эса ҳақиқий ҳолатни сохталаштириш бўлади.

Балки биз адашаётгандирмиз, эҳтимол, инсон ҳуқуқларининг «ҳимоя»чилари, конституция талабига кўра, мазкур ҳужжатни республика Олий Кенгашида кўриб чиқиш учун тақдим этмоқчи бўлгандирлар? Минг афсуски, битимнинг иккинчи моддасига мурожаат қилишимиз билан бу шубҳаларимиз ўз-ўзидан йўқолади. Чунки унда қуйидагича кўрсатилган: «Миллий мажлис» қабул қилган қонун-лойиҳаларнинг кучга киритилиши билан боғлиқ бўлган қарорлар ижросини таъминлаш».

Келинг, ана шу иккинчи моддани яна бир марта ўқийлик. Балки Биз ўз кўзимизга ишонмаслигимиз керакдир? «Қарорлар ижросини таъминлаш» деган сўзлар қандай маънони билдиради? Агар бу сўзларни шошилмасдан, чуқурроқ таҳлил қилсак, унинг даҳшатли маънолари секин-аста онгимизга етиб боради. Бунинг маъноси шуки, бир тўда кимсанинг ўзини «Миллий мажлис» эълон қилиб, жиноиткорона иродасини бутун мамлакатимиз ҳудудида сўзсиз бажарилишини таъминлашнинг барча чораларини кўриши демакдир.

У ҳолда конституция асосида тузилган амалдаги ҳокимият органлари-чи? Бу органларнинг мавқеи қандай бўлади?

«Миллий мажлис» вакилларининг, биринчи навбатда, «Эрк» ва «Бирлик» раҳбарларининг мантиғи бўйича бу конституциявий ҳокимият органлари йўқ қилиниши лозим эди. Лекин ҳар қандай давлатда ҳам конституциявий ҳокимиятнинг вазифаси конституция ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир. Бундай бурч конституциямизга асосан мустақил Ўзбекистонимиз ҳокимият органларига ҳам юклатилган. Ва улар бу олий бурчларини бажариб келмоқдалар, бажарадилар ҳам.

Асосли равишда бошқа савол туғилади: «Миллий мажлис» қарорлари ким томонидан сўзсиз бажарилиши керак эди? Ахир, бу ғайриқонуний қарорни бирор бир куч ишлатмай бажартириш мумкин эмас-ку? Буни судланувчилар жуда яхши билишарди. Чунки уларнинг орасида ҳатто профессорлар ҳам бор.

Аммо судланувчилар бу кучларни биздан яширмоқдалар. Балки улар Намангандаги барбод бўлган «Ислом лашкарлари» деб аталмиш кучлардир? Ёки Тожикистон пойтахтидаги «Шаҳидон» майдонида «Фаолият кўрсатган» кимсалардир? Ёки Фарғонада қирғин уюштирган мафиячи ва гиёҳвандлардир? Бу бизга ҳозирча номаълум.

Аммо шу нарса равшанки, бу кучларга суянмасдан судланувчилар ва уларнинг орқасида турганлар жинояткорона мақсадларга эришишлари мумкин эмаслигини яхши тушунишган. Агар уларнинг қора ниятлари амалга ошганида, нима бўлар эди? Тожикистон ва Озарбойжондаги қонли қирғинлар бизда ҳам такрорланмасмиди?!

Судланувчиларнинг жинояткорона режалари бўйича, мазкур битим юқорида номи келтирилган партиялар ва жамоат уюшмаларининг раҳбарлари томонидан имзоланган вақтдан бошлаб ижро этилиши лозим эди. Бу ҳолат жиноят иши материалларида ўз исботини топган.

«Эрк» ва «Бирлик» раҳбарларининг бу ҳужжатларни имзолаши шубҳасиз эди. Чунки бу ҳужжатлар матни улар билан тўлиқ келишилган эди. Чунончи, Муҳаммад Солиҳ билан. У давлат ҳокимиятини тортиб олишга қаратилган ҳаракатлар реал эканини билган ва ўз жойини ҳокимият тепасидаги давлат мансабларида кўрган. Шунинг учун ҳам у 19 июнда бўлган ташаббус гуруҳи билан учрашувдан 13 кун ўтгач, яъни 2 июль куни Олий Кенгаш сессиясида намойишкорона тарзда депутатлик ваколатларидан воз кечиб, мафкуравий курашчи ролини ўйнамоқчи бўлди. Ҳозир эса унинг ҳақиқий қиёфасини кўриб турибмиз.

У бу ҳаракати билан халқимиз мустақиллиги ва эркинлигига ҳамда осойишталигига рахна солиши мумкин эди. Бугунги кунда одил суддан қўрқиб қочди. Лекин халқимиз қарғишидан қочиб қутулолмайди.

Аммо, юқорида келтирилган ва тасдиқланган фактларга қарамасдан, судланувчилар ўзларича бу ҳолатларни демократик ғоя ва сиёсий фикр билдириш деб бизларни ишонтиришга уринмоқдалар. Уларнинг фикрича, бу каби ҳаракатлар учун ривожланган мамлакатларда жиноий жавобгарликка тортилмас эмиш. Лекин бизни бу каби сафсаталар билан алдай олмайдилар. Ахир, бир неча йил жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида яшаб келган Бобур Шокиров конституцияга қарши равишда иккинчи парламент тузишга кимдир йўл қўяди, деб айта оладими? Ёки бу каби ҳаракатлар у ерда жиноят эмас, деб айтиши мумкинми? Шундай экан, нима учун у ўзининг она ватанида бошқача бўлиши керак деб ҳисоблайди? Олдинроқ бошқа мамлакатлар конституцияларидан баъзи бир моддалар келтирган эди. Бу ҳақда тушунчалар аниқ ва етарли бўлса керак.

Энди иккинчи ҳужжат — «Миллий мажлис» тузугидаги баъзи бир ҳолатларга тўхталик. Мазкур ҳужжат асосан ҳаммага маълум, бошқа манбалардан кўчириб олинган умумий гаплардан иборат бўлиб, унда бирор бир янгилик йўқ.

Лекин диққатингизни баъзи моддаларга қаратишни лозим топардим. Мана, мисол учун, 2-моддада айтилади: «Миллий мажлис» сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари вакилларидан тузилади».

Қандай йўл билан тузилар экан?

Бу йўл, мазкур тузукка қараганда, қуйидагича: «Эрк», «Бирлик» ва бошқа партиялар ҳамда ташкилотлар раҳбарий органларининг мажлисларида икки-учтадан депутат сайланади ва «Миллий мажлис»га чақирилади. Кўриб турибсизки, ҳаммаси аниқ ва равшан!

Ахир, бу ташкилотлар республика умумий аҳолиси бир фоизининг ҳам манфаатини ифодаламайди-ку! Бу одамлар шундай ҳолатда ҳам ўзларини «демократ» деб кўкрагига уришларига нима дейиш мумкин! Аслида, гап диктатура ҳақида кетяпти-ку!

Энди бир неча сўз «Бирлик», «Эрк» ва бошқа ташкилотларнинг «баёнот» деб аталган ҳужжати ҳақида.

Бу ҳужжатнинг аниқ мазмуни нима, у кимга қаратилган! Қисқача қилиб айтганда, унда гўё республикада драматик вазият вужудга келгани, қора снёҳлар билан ёзилган ва биз учун КПСС тарихи дарсликларидан таниш синфий кураш кучайгани каби тезислар келтирилган ҳамда бу вазиятдан чиқиб кетиш учун «Миллий мажлис» таъсис этилмоқда, дейилган.

Матннинг маъносидан ҳам кўриниб турибдики, бу баёнот «Миллий мажлис» иши бошланганидан кейин халққа эълон қилиниши кўзда тутилган. Бу ҳам бизга жуда таниш. Шундай эмасми?

Юридик жиҳатдан бу баёнот фақат биргина маънода аҳамиятга эга бўлиб, у ҳам бўлса, ғайриконституциявий равишда давлат ҳокимиятини эгаллашга уринишнинг бир далилидир.

Қўшимча далил келтириб, судланувчиларнинг айбини тасдиқловчи фактлар таҳлилига тўхталишнинг ҳожати йўқ. Дастлабки тергов, энди эса суд тергови жиноят-процессуал қонуни талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда ўтказилди. Тергов бошланишидан тортиб суд мажлиси давомида судланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқи тўла таъминланди.

Келтирилган жиноят иши фабуласини судланувчиларнинг ўзлари ҳам тасдиқлашди. Тўғри, улар бу фактларни ўз фойдаларини кўзлаган ҳолда, бошқача тарзда тушунтиришга ҳаракат қилишди. Яъни улар гўё гуманистик ғоялар ва сиёсий қарашларни тарғиб этган шахслар сифатида кўрсатмоқчи бўлишди ўзларини. Ва бу ғоялар учун ҳеч қандай жиноий жавобгарлик бўлиши мумкин эмас деб, инсон ҳуқуқлари декларациясини бу ерда бир неча бор эслаб ўтишди.

Шу сабабли қуйидагиларни таъкидлашни лозим топардим.

Тўғри, ғоялар ва сиёсий қарашлар учун бизнинг давлатимизда, барча ривожланган давлатлардагидек, жиноий жавобгарлик белгиланмаган.

Тўғри, бизнинг давлатимиз инсон ҳуқуқлари декларациясини тан олган, унинг талабларини бажариб келмоқда ва келажакда ҳам бажариши муқаррар.

Аммо судланувчиларга ғоялар ва дунёқараш учун эмас, балки аниқ ғайриконституциявий равишда ҳокимиятни эгаллаш мақсадида ташкилий фаолият кўрсатиб, оғир жиноят содир қилганликлари учун Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 62-моддаси билан айб қўйилмоқда.

Юқорида баён этилганларга асосан, Худойбердиев Ҳазратқул, Орифов Отаназар, Каримов Олимжон, Умурзоқов Саловат, Маҳмудов Абдулазиз, Шокиров Бобурни Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 62-моддасида кўрсатилган жиноятларни содир қилганликда айбдор деб топишни ва уларга жиноят кодексининг 55-1-моддаси бўйича жазо тайинлашни сўрайман.

«ЭКСПО—93» ОЧИЛДИ

Жанубий Кореянинг Тайжон шаҳрида «ЭКСПО—93» халқаро кўргазмаси очилди. Ушбу кўргазмада жаҳоннинг 120 давлати ва 20 та халқаро ташкилот қатнашиш истагини билдирган. 93 кун давом этадиган мазкур кўргазма ривожланаётган мамлакат—Жанубий Кореяда Ўтиш Халқаро Кўргазмалар Бюросида расмий равишда қайд этилган.

Инсоният XXI асрдан кўп нарсаларни кутмоқда. Шулардан бири атроф-муҳитни ифлосланиши муаммосидир. Шунинг учун ҳам кўргазма «Ривожланишнинг янги йўли» деб номланган. «Ривожланаётган дунё учун анъанавий ва замонавий фан ва технология», «Жаҳон ресурсларидан оқилона фойдаланишни яхшилаш» каби ёрдамчи мавзулари ҳам бор.

Кўргазмалар майдони 902.000 квадрат метрни ташкил этган Тэчжон шаҳрининг Тайдок фан марказидаги 25 та павильон халқаро кўргазма қатнашувчиларига берилган.

Ушбу кўргазмада Ўзбекистон ҳам илк бор мустақил давлат сифатида қатнашмоқда. Ўзбекистон Рес**публикаси кўргазмалар зали** мамлакатимиз давлат байроғи, тамғаси билан бошланади. Шунингдек, Ўзбекистон мустақиллиги ҳақидаги қонун, республикамиз**ни 125 мамлакат тан олган**лиги, 60 дан ортиқ мамлакат билан дипломатик алоқалар ўрнатилганлиги, 1992 йил 2 мартдан Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, Умумевропа ҳамжамиятига аъзо эканлиги, етук халқаро ташкилотлар билан биргаликда фаол ташқи сиёсат олиб бораётганлиги зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Меҳмонлар Ўзбекистон саноати, айниқса машҳур пахта териш машиналари, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳаво лайнерлари билан танишадилар.

М. ИСМОИЛОВА.


ЕР ҚИМИРЛАДИ

«Тошкент» сейсмология станцияси маҳаллий вақт билан соат 3 дан 42 дақиқа ўтганда ер силкинганини қайд этган эди. Шундан кейин 9 август куни яна икки марта ер силкиниши қайд этилди. Соат 16 дан 39 дақиқа ва 17 дан 44 дақиқа ўтганда содир бўлган зилзила кучи Тошкентда 3-4 баллга етди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, зилзила маркази Афғонистонда, Ўзбекистон пойтахтидан 470 километр масофада, Ҳинду қуш тоғидадир. Зилзила марказида ер силкиниши кучи 7-8 баллни, Самарқанд, Термиз, Қаршида 5 баллни ташкил этди.

(ЎзА).

[«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 13 августда чиқади].



МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:
Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43, 32-53-16
Жиноятчиликка қарши кураш— 33-76-04, 32-26-70, 32-53-15.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16, 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16
«Осиё бозори» — 33-41-89, 32-55-70.
Котибият — 33-72-83, 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ:
Андижонда — 4-48-85; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Нукусда — 2-42-62; Қаршида — 3-25-79; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Термизда — 2-23-01; Фарғонада — 6-37-16.

Навбатчи муҳаррир: Н. ШАКАРОВ. Навбатчи: С. САЛИМОВ.

● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
● Қўлёзмалар ҳажми чекланмайди.
● Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.

Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.

Ҳажми 2 босма табоқ, тиражи 155296 нусха.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 20.00

Г—479. № 148.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.

1 2 3 4 5 6.